мусиқа назарияси (сольфеджио, мусиқа адабиёти, бастакорлик);

ритмика;

бадиҳагўйлик (импровизация);

дирижёрлик бошланғич асослари;

вокал ансамбли;

эстрада хонандалиги;

анъанавий хонандалик;

рақс (хореография йўналишининг ўқув режасидаги бир рақс);

театр санъати;

тасвирий санъат (тасвирий санъат йўналишининг ўқув режасидаги бир фан);

амалий санъат (амалий санъат йўналишининг ўқув режасидаги бир фан);

мутахассислик ижро маҳоратини ошириш. Бу фан кўрик-танлов, фестиваль, устоз-сабоқлари ва концертларда иштирок этадиган иқтидорли ўқувчилар ва юқори синфдаги ўқувчилар учун тавсия қилинади.

10. Танланган фан бўйича дарс соатлари ҳар ўқув йили бошида мутахассислик фанидан ўзлаштириши яхши бўлган ўқувчиларнинг қобилият ва истакларидан келиб чиққан ҳолда, мактаб маъмурияти томонидан мазкур йўналишдаги жами ўқувчилар сонининг 50 фоизигача бўлган қисми учун белгиланади (бу ҳолда ўқиш учун тўлов миқдори ўзгармайди).

## VIII. Дамли ва зарбли чолғулар эстрада ижрочилиги йўналиши бўйича ўқув режа (ўқиш муддати 5 йил)

### 34 ўқув ҳафта (1 ўқув йилида)

| Т/р | Фанларнинг номланиши | Ҳафталик ўқув соатлари | | | | | Умумий соатлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Синфлар | | | | | |
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | |
| 1. | Мутахассислик | 2 | 2 | 2 | 2 | 3 | **374** |
| 2. | Сольфеджио | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 2 | **272** |
| 3. | Жамоа ижрочилиги (хор, оркестр) | 1 | 1 | 2 | 2 | 2 | **272** |
| 4. | Хорижий ва МДҲ халқлари мусиқа адабиёти | | 1 | 1 | | | **68** |
| 5. | Жаҳон санъати тарихи, ўзбек мусиқа адабиёти | | | | 1 | 1 | **68** |
| 6. | Ансамбль | | | 0,5 | 0,5 | 0,5 | **51** |
| 7. | Умумий фортепиано | 0,5 | 0,5 | 1 | 1 | 1 | **136** |
| 8. | Танланган фан | | | | 1 | 1 | **68** |
| **Ҳафталик соатлар** | | **5** | **6** | **8** | **9** | **10,5** | **1 309** |

***Изоҳ:** II синфда мутахассислик, сольфеджио фанларидан, III синфда хорижий ва МДҲ халқлари мусиқа адабиёти фанидан синфдан синфга ўтказиш ва V синфда мутахассислик, сольфеджио, ансамбль, жаҳон санъати тарихи, ўзбек мусиқа адабиёти фанларидан битирув имтиҳони ўтказилади ҳамда баҳоланади.*

*I-V синфларда сольфеджио, мусиқа адабиёти ва жамоа ижрочилиги фанидан ўқув йилининг ҳар чорагида назорат дарслари ўтказилади ҳамда баҳоланади.*

*Ўқув йили давомида ўқув дастурлар талабларига мувофиқ I-V синфларда мутахассислик фани бўйича техник синови ҳамда академик концерт ўтказилади ва баҳоланади.*

*Ўқув йилининг биринчи ярми ва якунида бўлимнинг барча синфларида ансамбль, умумий фортепиано, танлаган фанлар бўйича назорат дарслари академик концертлар шаклида ўтказилади ва баҳоланади.*

## Дамли ва зарбли чолғулар эстрада ижрочилиги йўналиши бўйича ўқув режага тушунтиришлар

1. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида I-II синф ўқувчилари бошланғич, III-V синф ўқувчилари эса юқори синф ўқувчилари ҳисобланади.

2. Сольфеджио, мусиқа адабиёти дарсларида гуруҳлар ўрта ҳисобда 6-10 нафар ўқувчилардан ташкил топади.

3. Жамоа ижрочилиги хор, оркестр, ансамбль турлари (ВИА, трио, квартет ва бошқалар) жамоалари сифатида шаклланади. Хор, оркестр қатнашчиларининг сони 10-12 нафар, ансамбль қатнашчилар сони 6-8 нафаргача тузилиши мумкин. Хор, оркестр ва ансамбль жамоалари бир вақтда ташкил қилинганда жамоа ижрочилиги дарсининг соатлари белгиланган ҳажмидан оширилмаган ҳолда тақсимланади. Дарс жадвалидаги машғулотлардан ташқари оркестр ёки хорнинг кичик ва катта гуруҳлари билан алоҳида ҳар ойда бир марта 2 соат йиғма машғулот ўтказилади.

Ўқиш жараёни икки навбатлилик тартибда ўтказилишини инобатга олган ҳолда ва болаларни тўлиқ қамраб олиш мақсадида йиғма машғулотларни ўтказиш кунлари мактаб педагогик кенгаши қарори билан белгиланади.

4. Гуруҳлардаги бола сони камайганда шу синф ўқувчилари ўқув дастури бўйича бир хилдаги фанлар бўйича ўтказиладиган дарсларда бошқа бўлимлардаги (ўқув дастурнинг талабларини ва ўқув тилини инобатга олган ҳолда 5 йиллик мусиқа йўналишидаги) гуруҳ ўқувчилари билан қўшилиши лозим.

5. Рўйхат бўйича гуруҳлардаги ўқувчилар сони белгиланган миқдордан кам бўлса (3-5 нафаргача) ва уларни бошқа гуруҳлар билан

қўшиш имкони бўлмаса, ўқув режа бўйича гуруҳли машғулотлар ўтказиш учун белгиланган соатлар 50 фоизга камайтирилади.

6. Мутахассислик, ансамбль, умумий фортепиано, танланган фан (маълум бир чолғуни ўрганиш, мусиқа назарияси, ритмика, бадиҳагўйлик, эстрада хонандалиги, анъанавий хонандалик, мутахассислик ижро маҳоратини ошириш) ва нотани варақдан ўқиш фанлари якка тартибда ўтказилади. Нотани варақдан ўқиш фанини мутахассислик фани ўқитувчиси олиб бориши шарт.

7. Мутахассислик фани бўйича умумий соатларнинг 50 фоиз ҳисобидан I синфдан бошлаб концертмейстерлик соатлари ажратилади. Ансамбль, жамоа ижрочилиги, танланган фан (вокал ансамбли, хонандалик) ва йиғма машғулотлар бўйича умумий соатларнинг 100 фоиз (маълум бир чолғуни ўрганиш бўйича 50 фоиз) ҳисобидан концертмейстерлик соатлари ажратилади.

8. Ўқитувчи концертмейстерликни ўзи бажарса (фортепиано), у ҳолда унга шу дарсларга мўлжалланган концертмейстерлик соатларининг 30 фоиз миқдорида иш ҳақи тўланади.

9. Танланган фан бўйича қуйидаги дарслардан бири киритилади:

маълум бир чолғуни ўрганиш;

мусиқа назарияси (сольфеджио, мусиқа адабиёти, бастакорлик);

ритмика;

бадиҳагўйлик (импровизация);

эстрада хонандалиги;

анъанавий хонандалик;

рақс (хореография йўналишининг ўқув режасидаги бир рақс);

театр санъати;

тасвирий санъати (тасвирий санъат йўналишининг ўқув режасидаги бир фан);

амалий санъати (амалий санъат йўналишининг ўқув режасидаги бир фан);

мутахассислик ижро маҳоратини ошириш. Бу фан кўрик-танлов, фестиваль, устоз-сабоқлари ва концертларда иштирок этадиган иқтидорли ўқувчилар ва юқори синфдаги ўқувчилар учун тавсия қилинади.

10. Танланган фан бўйича дарс соатлари ҳар ўқув йили бошида мутахассислик фанидан ўзлаштириши яхши бўлган ўқувчиларнинг қобилият ва истакларидан келиб чиққан ҳолда, мактаб маъмурияти томонидан мазкур йўналишдаги жами ўқувчилар сонининг 50 фоизигача бўлган қисми учун белгиланади (бу ҳолда ўқиш учун тўлов миқдори ўзгармайди).

## IX. Фортепиано ва торли чолғулар эстрада ижрочилиги йўналиши бўйича ўқув режа (ўқиш муддати 7 йил)

### 34 ўқув ҳафта (1 ўқув йилида)

| Т/р | Фанларнинг номланиши | Ҳафталик ўқув соатлари | | | | | | | Умумий соатлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Синфлар | | | | | | | |
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | |
| 1. | Мутахассислик | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 3 | **510** |
| 2. | Сольфеджио | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 2 | **374** |
| 3. | Жамоа ижрочилиги (хор, оркестр, ансамбль, унисон) | 1 | 1 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | **408** |
| 4. | Умумий фортепиано (торли чолғулар учун) | 0,5 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | **221** |
| 5. | Нотани варақдан ўқиш | | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | | | **68** |
| 6. | Ансамбль | | | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | **85** |
| 7. | Аккомпанемент (пианиночилар учун) | | | | | 1 | 1 | 1 | **102** |
| 8. | Хорижий ва МДҲ халқлари мусиқа адабиёти | | | | 1 | 1 | | | **68** |
| 9. | Жаҳон санъати тарихи, ўзбек мусиқа адабиёти | | | | | | 1 | 1 | **68** |
| 10. | Танланган фан | | | | 1 | 1 | 1 | 1 | **136** |
| | **Ҳафталик соатлар** | **5** | **6** | **7,5** | **9,5** | **10,5** | **10** | **11,5** | **2 040** |

***Изоҳ:*** *IV синфда мутахассислик, сольфеджио фанларидан, V синфда хорижий ва МДҲ халқлари мусиқа адабиёти фанидан синфдан синфга ўтказиш ва VII синфда мутахассислик, сольфеджио, аккомпанемент (пианиночилар), умумий фортепиано (торли), эстрада тарихи, жаҳон санъати тарихи, ўзбек мусиқа адабиёти фанларидан битирув имтиҳони ўтказилади ҳамда баҳоланади.*

*I-VII синфларда сольфеджио, мусиқа адабиёти, эстрада тарихи ва жамоа ижрочилиги фанидан ўқув йилининг ҳар чорагида назорат дарслари ўтказилади ҳамда баҳоланади.*

*Ўқув йили давомида ўқув дастурлар талабларига мувофиқ I-VII синфларда мутахассислик фани бўйича техник синовлар ҳамда академик концертлар ўтказилади ва баҳоланади.*

*Ўқув йилининг биринчи ярми ва якунида I-VII синфларда ансамбль, аккомпанемент, умумий фортепиано, танлаган фанлар бўйича назорат дарслари академик концерт шаклида ўтказилади ва баҳоланади.*

## Фортепиано ва торли чолғулар эстрада ижрочилиги йўналиши бўйича ўқув режага тушунтиришлар

1. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида I-IV синф ўқувчилари бошланғич, V-VII синф ўқувчилари эса юқори синф ўқувчилари ҳисобланади.

2. Сольфеджио ва мусиқа адабиёти дарсларида гуруҳлар ўрта ҳисобда 6-10 нафар ўқувчилардан ташкил қилади.

3. Жамоа ижрочилиги: хор, оркестр, ансамбль турлари (унисон, трио, квартет) жамоалари сифатида шаклланади. Хор, оркестр қатнашчиларининг сони 10-12 нафар, ансамбль қатнашчилар сони 6-8 нафаргача тузилиши мумкин. Хор, оркестр ва ансамбль жамоалари бир вақтда ташкил қилинганда жамоа ижрочилиги дарсининг соатлари белгиланган ҳажмдан оширилмаган ҳолда тақсимланади. Дарс жадвалидаги машғулотлардан ташқари оркестр ёки хорнинг кичик ва катта гуруҳлар билан алоҳида ҳар ойда бир марта 2 соат йиғма машғулот ўтказилади.

Ўқиш жараёни икки навбатлилик тартибда ўтказилишини инобатга олган ҳолда ва болаларни тўлиқ қамраб олиш мақсадида йиғма машғулотларни ўтказиш кунлари мактаб педагогик кенгаши қарори билан белгиланади.

4. Гуруҳлардаги бола сони камайганда шу синф ўқувчилари ўқув дастури бўйича бир хилдаги фанлар бўйича ўтказиладиган дарсларда бошқа бўлимлардаги (ўқув дастурнинг талабларини ва ўқув тилини инобатга олган ҳолда 7 йиллик мусиқа йўналишидаги) гуруҳ ўқувчилари билан қўшилиши лозим.

5. Рўйхат бўйича гуруҳлардаги ўқувчилар сони белгиланган миқдордан кам бўлса (3-5 нафаргача) ва уларни бошқа гуруҳлар билан қўшиш имкони бўлмаса, ўқув режа бўйича гуруҳли машғулотлар ўтказиш учун белгиланган соатлар 50 фоизга камайтирилади.

6. Мутахассислик, аккомпанемент, ансамбль, танланган фан (маълум бир чолғуни ўрганиш, мусиқа назарияси, ритмика, бадиҳагўйлик, эстрада хонандалиги, анъанавий хонандалик, мутахассислик ижро маҳоратини ошириш) ва нотани варақдан ўқиш фанлари якка тартибда ўтказилади. Нотани варақдан ўқиш мутахассислик фани ўқитувчиси олиб бориши шарт.

7. Мутахассислик (торли чолғулар) фани бўйича умумий соатларнинг 50 фоиз ҳисобидан I синфдан бошлаб концертмейстерлик соатлари ажратилади.

8. Аккомпанемент (фортепиано чолғуси), ансамбль (торли чолғулар), жамоа ижрочилиги, танланган фан (вокал ансамбли, хонандалик) ва йиғма машғулотлар учун умумий соатларнинг 100 фоиз (маълум бир чолғуни ўрганиш бўйича 50 фоиз) ҳисобидан концертмейстерлик (иллюстраторлик) соатлари ажратилади.

9. Ўқитувчи концертмейстерликни ўзи бажарса (фортепиано), у ҳолда унга шу дарсларга мўлжалланган концертмейстерлик соатларининг 30 фоиз миқдорида иш ҳақи тўланади.

10. Танланган фан бўйича қуйидаги дарслардан бири киритилади:

маълум бир чолғуни ўрганиш;

мусиқа назарияси (сольфеджио, мусиқа адабиёти, бастакорлик);

ритмика;

бадиҳагўйлик (импровизация);

дирижёрлик бошланғич асослари;

вокал ансамбли;

эстрада хонандалиги;

анъанавий хонандалик;

рақс (хореография йўналишининг ўқув режасидаги бир рақс);

театр санъати;

тасвирий санъат (тасвирий санъат йўналишининг ўқув режасидаги бир фан);

амалий санъат (амалий санъат йўналишининг ўқув режасидаги бир фан);

мутахассислик ижро маҳоратини ошириш. Бу фан кўрик-танлов, фестиваль, устоз-сабоқлари ва концертларда иштирок этадиган иқтидорли ўқувчилар ва юқори синфдаги ўқувчилар учун тавсия қилинади.

11. Танланган фан бўйича дарс соатлари ҳар ўқув йили бошида мутахассислик фанидан ўзлаштириши яхши бўлган ўқувчиларнинг қобилият ва истакларидан келиб чиққан ҳолда, мактаб маъмурияти томонидан мазкур йўналишдаги жами ўқувчилар сонининг 50 фоизигача бўлган қисми учун белгиланади (бу ҳолда ўқиш учун тўлов миқдори ўзгармайди).

## X. Тасвирий санъат йўналиши бўйича ўқув режа (ўқиш муддати 5 йил)

### 34 ўқув ҳафта (1 ўқув йилида)

| Т/р | Фанларнинг номланиши | Ҳафталик ўқув соатлари | | | | | Умумий соатлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Синфлар | | | | | |
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | |
| 1. | Мутахассислик (чизма тасвир) | 2 | 2 | 3 | 4 | 4 | **510** |
| 2. | Ранг тасвир | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | **340** |
| 3. | Композиция (дастгоҳли) | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | **170** |
| 4. | Композиция (амалий) | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | **170** |
| 5. | Ҳайкалтарошлик | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | **340** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 6. | Жахон санъат тарихи, тасвирий ва амалий санъат тарихи | | 1 | 1 | 1 | 1 | **136** |
| 7. | Компьютер графикаси | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | **170** |
| 8. | Танланган фан | | | | 1 | 1 | **68** |
| | **Ҳафталик соатлар** | **9** | **10** | **11** | **13** | **13** | **1904** |

***Изоҳ:*** *I-IV синфларда мутахассислик (чизма тасвир), ранг тасвир, композиция (дастгоҳли), композиция (амалий), ҳайкалтарошлик, компьютер графикаси фанлари бўйича ўқув йилининг ҳар чорагида назорат дарслари ва ўқув йили якунида синфдан синфга ўтказиш имтиҳони (мустақил равишда ишланган ижодий маҳсулотлар кўргазмаси) ўтказилади ва баҳоланади.*

*Танланган фан бўйича назорат дарслари ўқув йилининг биринчи ярми ва якунида ўтказилади ва баҳоланади.*

*V синфда битирув имтиҳони устоз-сабоқлари шаклида ўтказилади ва баҳоланади (битирув имтиҳони учун тайёрланган мустақил равишда ишланган ижодий маҳсулотлар мактаб кўргазма фондига топширилади).*

*Кузги, қишки, баҳорги таътиллар даврида ёки июнь ойининг 15-санасига қадар (умумий вақт 2 ҳафта) мутахассислик фани ўқитувчиси раҳбарлигида I-V синфларда ўқув амалиёти машғулотлари ўтказилади: ўқувчиларнинг театрларга ташрифини ташкил этиш, халқ таълими тизимидаги таълим муассасаларида ўқувчилар иштирокида кичик спектакллар намойиш этиш (бу ҳолда ўқиш учун тўлов миқдори ўзгармайди). Ўқув амалиётининг аниқ вақти ўқув йили бошида ўқитувчининг календар тақвимий иш режасида акс эттирилади.*

## Тасвирий санъат йўналиши бўйича ўқув режага тушунтиришлар

1. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида I-II синф ўқувчилари бошланғич, III-V синф ўқувчилари эса юқори синф ўқувчилари ҳисобланади.

2. Тасвирий санъат бўлимида дарслар гуруҳли тартибда ўтказилади. Гуруҳларда ўқувчилар сони ўрта ҳисобда 5-7 нафардан ташкил топади.

3. Гуруҳлардаги бола сони камайганда шу синф ўқувчилари ўқув дастури бўйича бир хилдаги фанлар бўйича ўтказиладиган дарсларда бошқа бўлимлардаги (ўқув дастурнинг талабларини ва ўқув тилини инобатга олган ҳолда 5 йиллик санъат йўналишидаги) гуруҳ ўқувчилари билан қўшилиши лозим. Шунингдек, гуруҳларда ўқувчилар сони камайса, истисно тариқасида бошланғич ёки юқори синф ўқувчиларини бирга қўшган ҳолда машғулотлар ўтказилишига рухсат этилади.

4. Рўйхат бўйича гуруҳлардаги ўқувчилар сони белгиланган миқдордан кам бўлса (4 нафаргача) ва уларни бошқа гуруҳлар билан қўшиш имкони бўлмаса, ўқув режа бўйича гуруҳли машғулотлар ўтказиш учун белгиланган соатлар 50 фоизга камайтирилади.

5. Танланган фан (маълум бир чолғуни ўрганиш, эстрада хонандалиги, анъанавий хонандалик, мутахассислик ижро маҳоратини ошириш) дарси якка тартибда ўтказилади.

6. Танланган фанлар (вокал ансамбли, хонандалик) бўйича умумий соатларнинг 100 фоиз (маълум бир чолғуни ўрганиш бўйича 50 фоиз) ҳисобидан концертмейстерлик (иллюстраторлик) соатлари ажратилади.

7. Ўқитувчи концертмейстерликни ўзи бажарса (фортепиано), у ҳолда унга шу дарсларга мўлжалланган концертмейстерлик соатларининг 30 фоиз миқдорида иш ҳақи тўланади.

8. Танланган фан бўйича қуйидаги дарслардан бири киритилади:

маълум бир чолғуни ўрганиш;

эстрада хонандалиги;

анъанавий хонандалик;

компьютер графикаси;

наққошлик, ганч, зардўзлик, попоп, мисгарлик;

бадиий фото;

дизайн;

рақс (хореография йўналишининг ўқув режасидаги бир рақс);

театр санъати;

амалий санъат (амалий санъат йўналишининг ўқув режасидаги бир фан);

мутахассислик ижро маҳоратини ошириш. Бу фан кўрик-танлов, фестиваль, устоз-сабоқлариларда иштирок этадиган иқтидорли ўқувчилар ва юқори синфдаги ўқувчилар учун тавсия қилинади.

9. Танланган фан бўйича дарс соатлари ҳар ўқув йили бошида мутахассислик фанидан ўзлаштириши яхши бўлган ўқувчиларнинг қобилият ва истакларидан келиб чиққан ҳолда, мактаб маъмурияти томонидан мазкур йўналишдаги жами ўқувчилар сонининг 50 фоизигача бўлган қисми учун белгиланади (бу ҳолда ўқиш учун тўлов миқдори ўзгармайди).

## XI. Амалий санъат йўналиши бўйича ўқув режа (ўқиш муддати 5 йил)

### 34 ўқув ҳафта (1 ўқув йилида)

| Т/р | Фанларнинг номланиши | Ҳафталик ўқув соатлари | | | | | Умумий соатлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Синфлар | | | | | |
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Мутахассислик | 2 | 2 | 3 | 4 | 4 | **510** |
| 2. | Чизма тасвир | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | **340** |
| 3. | Ранг тасвир | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | **340** |
| 4. | Композиция (дастгоҳли) | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | **170** |
| 5. | Композиция (амалий) | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | **170** |
| 6. | Ҳайкалтарошлик | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | **170** |
| 7. | Жаҳон санъат тарихи, тасвирий ва амалий санъат тарихи | | 1 | 1 | 1 | 1 | **136** |
| 8. | Танланган фан | | | | 1 | 1 | **68** |
| | **Ҳафталик соатлар** | **9** | **10** | **11** | **13** | **13** | **1 904** |

***Изоҳ:*** *I-IV синфларда мутахассислик, чизма тасвир, ранг тасвир, композиция (дастгоҳли), композиция (амалий), ҳайкалтарошлик, компьютер графикаси фанлари бўйича ўқув йилининг ҳар чорагида назорат дарслари ва ўқув йили якунида синфдан синфга ўтказиш имтиҳони (мустақил равишда ишланган ижодий маҳсулотлар кўргазмаси) ўтказилади ва баҳоланади.*

*Танланган фани бўйича назорат дарслари ўқув йилининг биринчи ярми ва якунида ўтказилади ва баҳоланади.*

*V синфда битирув имтиҳони устоз-сабоқлари шаклида ўтказилади ва баҳоланади (битирув имтиҳони учун тайёрланган мустақил равишда ишланган ижодий маҳсулотлар тўлиқ ҳажмда мактаб кўргазма фондига топширилади).*

*Кузги, қишки, баҳорги таътиллар даврида ёки июнь ойининг 15-санасига қадар (умумий вақт 2 ҳафта) мутахассислик фани ўқитувчиси раҳбарлигида I-V синфларда ўқув амалиёти машғулотлари ўтказилади: ўқувчиларнинг театрларга ташрифини ташкил этиш, халқ таълими тизимидаги таълим муассасаларида ўқувчилар иштирокида кичик спектакллар намойиш этиш (бу ҳолда ўқиш учун тўлов миқдори ўзгармайди). Ўқув амалиётининг аниқ вақти ўқув йили бошида ўқитувчининг календар тақвимий иш режасида акс эттирилади.*

## Амалий санъат йўналиши бўйича ўқув режага тушунтиришлар

1. Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг амалий санъат бўлимида бадиий ёғоч ва ганч ўймакорлиги, металлга бадиий ишлов бериш (кандакорлик, мисгарлик, заргарлик), бадиий тикиш (зардўзлик, каштачилик) мутахассисликлари бўйича I-II синф ўқувчилари бошланғич, III-V синф ўқувчилари эса юқори синф ўқувчилари ҳисобланади.

2. Амалий санъат бўлимининг гуруҳли дарсларида ўқувчилар сони ўрта ҳисобда 5-7 ўқувчидан иборат бўлиши мумкин.

3. Гуруҳлардаги бола сони камайганда шу синф ўқувчилари ўқув дастури бўйича бир хилдаги фанлар бўйича ўтказиладиган дарсларда бошқа бўлимлардаги (ўқув дастурнинг талабларини ва ўқув тилини инобатга олган ҳолда 5 йиллик санъат йўналишидаги) гуруҳ ўқувчилари билан қўшилиши лозим. Шунингдек, гуруҳларда ўқувчилар сони камайса, истисно тариқасида бошланғич ёки юқори синф ўқувчиларини бирга қўшган ҳолда машғулотлар ўтказилишига рухсат этилади.

4. Рўйхат бўйича гуруҳлардаги ўқувчилар сони белгиланган миқдордан кам бўлса (4 нафаргача) ва уларни бошқа гуруҳлар билан қўшиш имкони бўлмаса, ўқув режа бўйича гуруҳли машғулотлар ўтказиш учун белгиланган соатлар 50 фоизга камайтирилади.

5. Танланган фанлар (вокал ансамбли, хонандалик) бўйича умумий соатларнинг 100 фоиз (маълум бир чолғуни ўрганиш бўйича 50 фоиз) ҳисобидан концертмейстерлик (иллюстраторлик) соатлари ажратилади.

6. Ўқитувчи концертмейстерликни ўзи бажарса (фортепиано), у ҳолда унга шу дарсларга мўлжалланган концертмейстерлик соатларининг 30 фоиз миқдорида иш ҳақи тўланади.

7. Танланган фан дарси (маълум бир чолғуни ўрганиш, эстрада хонандалиги, анъанавий хонандалик, мутахассислик ижро маҳоратини ошириш) якка тартибда ўтказилади.

8. Танланган фан бўйича қуйидаги дарслардан бири киритилади:

маълум бир чолғуни ўрганиш;

эстрада хонандалиги;

анъанавий хонандалик;

компьютер графикаси;

наққошлик, ганч, зардўзлик, попоп, мисгарлик;

бадиий фото;

театр санъати;

дизайн;

рақс (хореография йўналишининг ўқув режасидаги бир рақс);

тасвирий санъат (тасвирий санъат йўналишининг ўқув режасидаги бир фан);

мутахассислик ижро маҳоратини ошириш. Бу фан кўрик-танлов, фестиваль, устоз-сабоқлариларда иштирок этадиган иқтидорли ўқувчилар ва юқори синфдаги ўқувчилар учун тавсия қилинади.

9. Танланган фан бўйича дарс соатлари ҳар ўқув йили бошида мутахассислик фанидан ўзлаштириши яхши бўлган ўқувчиларнинг қобилият ва истакларидан келиб чиққан ҳолда, мактаб маъмурияти томонидан мазкур йўналишдаги жами ўқувчилар сонининг 50 фоизигача бўлган қисми учун белгиланади (бу ҳолда ўқиш учун тўлов миқдори ўзгармайди).

## XII. Хореография йўналиши бўйича ўқув режа (ўқиш муддати 5 йил)

### 34 ўқув ҳафта (1 ўқув йилида)

| Т/р | Фанларнинг номланиши | Ҳафталик ўқув соатлари | | | | | Умумий соатлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Синфлар | | | | | |
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | |
| 1. | Мутахассислик (мумтоз рақс) | 2 | 2 | 3 | 4 | 4 | **510** |
| 2. | Ўзбек рақс | 2 | 2 | 3 | 4 | 4 | **510** |
| 3. | Ритмика / партер | 1/0,5 | 1/0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | **51** |
| 4. | Халқ саҳна рақси | | 1 | 1 | 1 | 1 | **136** |
| 5. | Тарихий-маиший рақс | | 1 | 1 | | | **68** |
| 6. | Замонавий рақс | | | 1 | 1 | 1 | **102** |
| 7. | Жаҳон санъат тарихи, балет ва ўзбек рақси тарихи | | 1 | 1 | 1 | 1 | **136** |
| 8. | Мусиқа саводи ва мусиқа тинглаш | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | **170** |
| 9. | Умумий фортепиано | 0,5 | 0,5 | 1 | 1 | 1 | **136** |
| 10. | Танланган фан | | | | 1 | 1 | **68** |
| **Ҳафталик соатлар** | | **5,5** | **8,5** | **12,5** | **14,5** | **14,5** | **1887** |

***Изоҳ:*** *Ўқув йилининг биринчи ярмида I-V синфларда ўқув режадаги барча фанлар бўйича (ритмика ва партер фанидан ташқари) назорат дарслари ўтказилади ва баҳоланади.*

*I-V синфларда мусиқа саводи ва мусиқа тинглаш фанидан ўқув йилининг ҳар чорагида назорат дарслари, ўқув йили якунида синфдан синфга ўтказиш имтиҳони ўтказилади ва баҳоланади.*

*Умумий фортепиано, танланган фанлар бўйича ўқув йилининг якунида назорат дарслари ўтказилади ва баҳоланади.*

*V синфда мутахассислик (мумтоз рақс), ўзбек рақси, халқ саҳна рақси ва умумий фортепиано фанларидан битирув имтиҳони ўтказилади ва баҳоланади.*

### Хореография йўналиши бўйича ўқув режага тушунтиришлар

1. Болалар мусиқа ва санъат мактабида I-II синф ўқувчилари бошланғич, III-V синф ўқувчилари эса юқори синф ўқувчилари ҳисобланади.

2. Мусиқа саводи ва мусиқа тинглаш, мумтоз рақс, халқ саҳна рақси, ўзбек рақси, замонавий рақс, тарихий-маиший рақс, ритмика ва партер ҳамда бошқа (жаҳон санъат тарихи, балет ва ўзбек рақси тарихи) фанлар бўйича ўқув гуруҳлари 6-10 нафар ўқувчилардан ташкил топади.

3. Партер (умуртқа поғоналарини тўғрилаш) дарси гуруҳдаги болалар иккига бўлинган ҳолда (3-5 нафардан) ўтказилади, гуруҳ тузишнинг имкони бўлмаган тақдирда бошланғич ва юқори синфларнинг ўқувчиларини бирга қўшган ҳолда гуруҳлар тузилади.

4. Рўйхат бўйича гуруҳлардаги ўқувчилар сони белгиланган миқдордан кам бўлса (3-5 нафаргача) ўқув режа бўйича гуруҳли машғулотлар ўтказиш учун белгиланган соатлар 50 фоизга камайтирилади.

5. Мутахассислик фани ўқитувчиси томонидан дарс жадвалидаги машғулотлардан ташқари бошланғич ва юқори синф гуруҳлари билан алоҳида ҳар ойда 1 марта икки соат йиғма машғулот (концерт дастурини тайёрлаш бўйича) ўтказилади.

Ўқиш жараёни икки навбатлилик тартибда ўтказилишини инобатга олган ҳолда ва болаларни тўлиқ қамраб олиш мақсадида йиғма машғулотларни ўтказиш кунлари мактаб педагогик кенгаши қарори билан белгиланади.

6. Мумтоз рақс, ўзбек рақси, халқ саҳна рақси, тарихий-маиший рақс ва танланган фанлар (вокал ансамбли, хонандалик) учун умумий соатларининг 100 фоиз (маълум бир чолғуни ўрганиш бўйича 50 фоиз) ҳажмида концертмейстерлик соатлари ажратилади.

7. Ўқитувчи концертмейстерликни ўзи бажарса (фортепиано), у ҳолда унга шу дарсларга мўлжалланган концертмейстерлик соатларининг 30 фоиз миқдорида иш ҳақи тўланади.

8. Умумий фортепиано ва танланган фан (маълум бир чолғуни ўрганиш, маълум бир рақсни якка тартибда ўрганиш, мусиқа назарияси, эстрада хонандалиги, анъанавий хонандалик, мутахассислик ижро маҳоратини ошириш) дарслари якка тартибда ўтказилади.

9. Танланган фан бўйича қуйидаги дарслардан бири киритилади:

маълум бир чолғуни ўрганиш;

эстрада хонандалиги

маълум бир рақсни якка тартибда ўрганиш;

мусиқа назарияси;

эстрада хонандалиги;

анъанавий хонандалик;

театр санъати

тасвирий санъат (тасвирий санъат йўналишининг ўқув режасидаги маълум бир фан);

амалий санъат (амалий санъат йўналишининг ўқув режасидаги маълум бир фан);

мутахассислик ижро маҳоратини ошириш. Бу фан кўрик-танлов, фестиваль, устоз-сабоқлари ва концертларда иштирок этадиган иқтидорли ўқувчилар ва юқори синфдаги ўқувчилар учун тавсия қилинади.

10. Танланган фан бўйича дарс соатлари ҳар ўқув йили бошида мутахассислик фанидан ўзлаштириши яхши бўлган ўқувчиларнинг қобилият ва истакларидан келиб чиққан ҳолда, мактаб маъмурияти томонидан мазкур йўналишдаги жами ўқувчилар сонининг 50 фоизигача бўлган қисми учун белгиланади (бу ҳолда ўқиш учун тўлов миқдори ўзгармайди).

## XIII. Театр санъати йўналиши бўйича ўқув режа (ўқиш муддати 5 йил)

### 34 ўқув ҳафта (1 ўқув йилида)

| Т/р | Фанларнинг номланиши | Ҳафталик ўқув соатлари | | | | | Умумий соатлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Синфлар | | | | | |
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | |
| 1. | Мутахассислик (актёрлик маҳорати) | 2 | 2 | 3 | 3 | 3 | **442** |
| 2. | Саҳна нутқи | 1 | 1 | 2 | 2 | 2 | **272** |
| 3. | Саҳна ҳаракати | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | **170** |
| 4. | Жаҳон санъати тарихи ва Театр санъати тарихи | | 1 | 1 | 1 | 1 | **136** |
| 5. | Ритмика ва рақс | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | **170** |
| 6. | Вокал | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | **170** |
| 7. | Саҳнага чиқишга тайёргарлик ва машқ (саҳна амалиёти) | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | **170** |
| 8. | Грим ва саҳна либослари | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | **170** |
| 9. | Танланган фан | | | | 1 | 1 | **68** |
| **Ҳафталик соатлар** | | **8** | **9** | **11** | **12** | **12** | **1 768** |

***Изоҳ:*** *I-IV синфларда ўқув йилининг биринчи ярми ва якунида ўқув дастурлар талабларига мувофиқ мутахассислик ва назарий фанлардан назорат дарслари ўтказилади ва баҳоланади.*

*I-IV синфларда жаҳон санъати тарихи, театр санъати тарихи, ритмика ва рақс, вокал, грим ва саҳна либослари фанлари бўйича ўқув йилининг ҳар чорагида назорат дарслари ва ўқув йили якунида синфдан синфга ўтказиш имтиҳони, мутахассислик (актёрлик маҳорати, саҳна нутқи, саҳна ҳаракати) фанидан академик концерт шаклида ўтказилади ва баҳоланади.*

*Танланган фан бўйича назорат дарслари ўқув йилининг биринчи ярми ва якунида ўтказилади ва баҳоланади.*

*V синфда ўқув йили якунида битирув имтиҳони ўтказилади ва баҳоланади.*

*Кузги, қишки, баҳорги таътиллар даврида ёки июнь ойининг 15-санасигача қадар (умумий вақт 2 ҳафта) мутахассислик фани*

*ўқитувчиси раҳбарлигида I-V синфларда ўқув амалиёти машғулотлари ўтказилади: ўқувчиларнинг театрларга ташрифини ташкил этиш, халқ таълими тизимидаги таълим муассасаларида ўқувчилар иштирокида кичик спектакллар намойиш этиш (бу ҳолда ўқиш учун тўлов миқдори ўзгармайди). Ўқув амалиётининг аниқ вақти ўқув йили бошида ўқитувчининг календар тақвимий иш режасида акс эттирилади.*

## Театр санъати йўналиши бўйича ўқув режага тушунтиришлар

1. Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг театр санъати бўлимида қўғирчоқ, драма, мусиқий драма, комедия, оперетта мутахассисликлари бўйича I-II синф ўқувчилари бошланғич, III-V синф ўқувчилари эса юқори синф ўқувчилари ҳисобланади.

2. Актёрлик маҳорати, саҳна нутқи, саҳна ҳаракати фанлари дарс жадвалларига ва ўқув режасига мутахассислик деб киритилади ва махсус фан ҳисобланади. Мутахассислик фани бўйича машғулотлар гуруҳ шаклида ўтказилади.

3. Гуруҳ тартибида ўтказиладиган машғулотларнинг ўқувчилар сони ўртача 6-10 нафар ўқувчилардан иборат бўлади.

4. Рўйхат бўйича гуруҳлардаги ўқувчилар сони белгиланган миқдордан кам бўлса (3-5 нафаргача) ва уларни бошқа гуруҳлар билан қўшиш имкони бўлмаса, ўқув режа бўйича гуруҳли машғулотлар ўтказиш учун белгиланган соатлар 50 фоизга камайтирилади.

5. Драма, мусиқий драма, комедия, оперетта, опера ва балет, ёш томошабинлар, эстрада ва кинотеатрларга ташриф буюриш ва тамоша қилинган театр асарларининг таҳлили ўқув амалиёти деб ҳисобланади.

6. Саҳна ҳаракати, вокал, ритмика, рақс ва танланган фан учун (вокал ансамбли, хонандалик) умумий соатларининг 100 фоиз (маълум бир чолғуни ўрганиш бўйича 50 фоиз) миқдорида концертмейстерлик соатлари ажратилади.

7. Ўқитувчи концертмейстерликни ўзи бажарса (фортепиано), у ҳолда унга шу дарсларга мўлжалланган концертмейстерлик соатларининг 30 фоиз миқдорида иш ҳақи тўланади.

8. Танланган фан (маълум бир чолғуни ўрганиш, эстрада хонандалиги, анъанавий хонандалик, мутахассислик ижро маҳоратини ошириш) дарслари якка тартибда ўтказилади.

9. Танланган фан бўйича қуйидаги дарслардан бири киритилади:

эстрада хонандалиги;

анъанавий хонандалик;

либослар ва қўғирчоқлар;

компьютер графикаси;
грим;
саҳна маҳоратини ошириш;
бадиий фотография;
маълум бир чолғуни ўрганиш;
рақс (хореография йўналишининг ўқув режасидаги бир рақс);
кўғирчоқларни тайёрлаш;
тасвирий санъат (тасвирий санъат йўналишининг ўқув режасидаги бир фан);
амалий санъат (амалий санъат йўналишининг ўқув режасидаги маълум бир фан).

10. Танланган фан бўйича дарс соатлари ҳар ўқув йили бошида мутахассислик фанидан ўзлаштириши яхши бўлган ўқувчиларнинг қобилият ва истакларидан келиб чиққан ҳолда, мактаб маъмурияти томонидан мазкур йўналишдаги жами ўқувчилар сонининг 50 фоизигача бўлган қисми учун белгиланади (бу ҳолда ўқиш учун тўлов миқдори ўзгармайди).

**XIV.** Мазкур Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг таълим йўналишлари бўйича ўқув режалари ҳамда ўқув режаларига тушунтиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

**Молия вазири** **Р. Азимов**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2016 йил 15 июль* *180-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

### ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ БОЛАЛАР-ЎСМИРЛАР СПОРТ МАКТАБИНИНГ ПЕДАГОГИК КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДАГИ НАМУНАВИЙ НИЗОМИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги ҳамда “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги “Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 211-сон, 2015 йил 11 декабрдаги “Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 356-сон қарорларига мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

1. Халқ таълими тизимидаги болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг педагогик кенгаши тўғрисидаги намунавий низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

халқ таълими тизимидаги болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг педагогик кенгашлари фаолиятини мазкур буйруқ билан тасдиқланган низом асосида тартибга солиш;

халқ таълими тизимидаги болалар-ўсмирлар спорт мактабларида ташкил этилган педагогик кенгашлар фаолияти самарадорлигини янада ошириш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

3. Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси (А.Алимов) ушбу буйруқ ижроси юзасидан халқ таълими тизимидаги болалар-ўсмирлар спорт мактабларида амалга оширилаётган педагогик кенгашлар фаолиятига оид ишларни қатъий назоратга олиш вазифалари юклатилсин.

4. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Ўзбекистон Республикаси*
*Халқ таълими вазирининг*
*2016 йил 15 июлдаги 180-сон буйруғига*
*ИЛОВА*

## Халқ таълими тизимидаги болалар-ўсмирлар спорт мактабининг педагогик кенгаши тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ

Мазкур Намунавий низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги “Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 211-сон, 2015 йил 11 декабрдаги “Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 356-сон қарорларига мувофиқ, халқ таълими тизимидаги Республика ўсмирлар олий маҳорат спорт мактаби, Республика сув спорти турлари бўйича ихтисослаштирилган спорт мактаби ҳамда болалар-ўсмирлар спорт мактаблари (бундан буён матнда спорт мактаби деб юритилади) педагогик кенгашининг мақсади, асосий вазифалари ва унинг фаолиятини ташкил қилиш тартибини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Педагогик кенгаш, спорт мактаби фаолиятига доир асосий масалалар коллегиал муҳокама қилинадиган, мактабдан ташқари спорт таълим муассасасида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш, такомиллаштириш, унинг фаолияти билан боғлиқ барча ташкилий масалаларни мувофиқлаштириш бўйича доимий фаолият юритади. Педагогик кенгашнинг фаолияти жамоатчилик асосида ташкил этилади.

2. Мазкур Намунавий низом талаблари халқ таълими тизимидаги барча спорт мактабларига нисбатан татбиқ этилади.

3. Педагогик кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига,

ушбу Низомга, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек, спорт мактабининг уставига амал қилади.

## 2-боб. Педагогик кенгашнинг мақсади ва асосий вазифалари

4. Педагогик кенгаш, спорт мактабининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш, уни такомиллаштиришда педагогик жамоанинг фаолият йўналишини белгилаш,

таълимдаги ютуқларни ва илғор педагогик тажрибаларни амалиётга жорий этишда педагогик жамоани бирлаштириш, демократия, ошкоралик, ўзини ўзи бошқариш тамойиллари асосида спорт мактаби бошқарувини амалга оширишдан иборат.

5. Педагогик кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

спорт мактаби педагогик жамоасининг фаолиятини ўқувчи спортчиларнинг эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларини таъминлашга, ўқувчи-спортчиларга таълим-тарбия бериш сифатини оширишга йўналтириш;

машғулотлар дастурларини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш; спорт мактабининг тренерлар ва методик кенгаши ҳамда педагог ходимларининг йўналишлар бўйича ахборотлари ва ҳисоботларини эшитиш, спорт мактабининг санитария-гигиеник ҳолати, ёнғинга қарши амалга ошириладиган ишлар, меҳнатни муҳофаза қилиш, ўқувчи-спортчиларнинг соғлиги ва ҳаётига оид ҳамда бошқа масалаларни муҳокама қилиш ва якуний хулоса бериш;

ўқувчи-спортчилар томонидан ўқув дастурлари ўзлаштирилиши, умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик бўйича нормативлар бажарилиши, уларнинг билимлари, малака ва кўникмалари ўқув-машғулотлар йиллик режасига мослигини ўрганиш, таҳлил қилиш натижалари ҳамда ўқувчи-спортчиларни кейинги гуруҳга ёки спорт тайёргарлиги босқичига кўчириш, кейинги йилда ўқитиладиган гуруҳга ўтказиш учун белгиланган ёшга етмаган, бироқ ўқишнинг олдинги йил дастурий талабларини бажарган айрим ўқувчи спортчиларни ўқишнинг навбатдаги йили гуруҳига ўтказиш, ёхуд спорт тайёргарлигининг айнан шу босқичида қолдириш (такроран ўқиш) масаласини кўриб чиқиш;

аъло кўрсаткичларга ва намунали хулққа эга бўлган ўқувчи-спортчиларни рағбатлантириш юзасидан қарорлар қабул қилиш;

ўқувчи-спортчиларга таълим беришда ўқитишнинг илғор педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланишни татбиқ этиш чораларини кўриш;

ўқувчи-спортчиларни юксак маънавий-ахлоқий, умуминсоний ва миллий руҳда, ўз Ватани, халқини ардоқловчи, тинчлик ва барқарорликка қаратилган миллий қадриятлар асосида тарбиялаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

спорт мактабида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва таълим самарадорлигини ошириш бўйича мақбул шарт-шароитлар яратишга қаратилган қарорлар қабул қилиш;

илғор тренерларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, оммалаштириш, уларни давлат мукофотларига тавсия этиш, ёш тренер-ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этиш;

ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда ва таълим самарадорлигини оширишда мақбул шарт-шароитлар яратишга оид педагогик жамоанинг маълум йўналишлардаги фаолиятини таҳлил қилиш ва якуний хулоса чиқариш;

спорт мактаби жамоаси учун ўз ваколати доирасида меъёрий талабларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва бажарилишини назорат қилиш;

Педагогик кенгашга қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

## 3-боб. Педагогик кенгашнинг таркиби ва унинг фаолиятини ташкил қилиш

6. Педагогик кенгаш таркиби спорт мактаби директори, директор ўринбосарлари ва педагог ходимлардан иборат бўлади. Спорт мактабининг ҳар бир педагог ходими ишга қабул қилинган пайтдан бошлаб педагогик кенгашнинг аъзоси ҳисобланади.

7. Педагогик кенгашда муҳокама қилинадиган масалаларнинг мазмунидан келиб чиқиб, йиғилишга тегишли халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими, ота-оналар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, маҳаллий давлат ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа ташкилотлар вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

8. Спорт мактаби директори педагогик кенгаш раиси ҳисобланади. Педагогик кенгаш котиби педагог ходимлар орасидан тайинланади.

Педагогик кенгаш раиси ўз вазифасини бажара олмайдиган (касал бўлган, хизмат сафарига кетган ва ҳоказо) ҳолатларда унинг вазифалари директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари томонидан амалга оширилади.

9. Педагогик кенгашнинг фаолияти тегишли халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими (бўйсунувига кўра юқори турувчи ташкилот) томонидан назорат қилинади.

10. Педагогик кенгаш фаолияти йиллик иш режа асосида ташкил этилади. Иш режа педагогик кенгаш йиғилишида кўриб чиқилиб, маъқулланганидан сўнг спорт мактаби директори томонидан тасдиқланади.

11. Педагогик кенгаш йиғилишида спорт мактабининг фаолиятига оид энг муҳим ва долзарб масалалар муҳокама қилинади.

12. Педагогик кенгаш йиғилиши ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади. Заруратга кўра, навбатдан ташқари йиғилишлар ўтказилиши мумкин.

13. Педагогик кенгаш йиғилиши баённомаси кенгаш котиби томонидан юритилади. Баённома педагогик кенгаш раиси ва котиби томонидан имзоланади.

Баённомаларнинг рақами, санаси ва йиғилишда кўрилган масалалар тўғрисидаги маълумотлар педагогик кенгаш йиғилиши баённомаларини қайд этиш дафтарига ёзиб борилади. Педагогик кенгаш йиғилиши баённомаларини қайд этиш дафтари рақамланади, ип ўтказиб тикилади ҳамда тегишли халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими масъул ходими томонидан имзоланиб муҳрланади.

Баённоманинг кириш қисмида педагогик кенгаш йиғилиши ўтказилган сана, баённома тартиб рақами, иштирок этганлар ва уларнинг сони ёзилади.

Педагогик кенгаш йиғилиши баённомаларини қайд этиш дафтарида кун тартибига киритилган масала муҳокамаси, педагогик кенгаш аъзолари томонидан киритилган таклиф ва мулоҳазалар ҳамда кун тартибидаги ҳар бир масала юзасидан қабул қилинган қарорлар қайд этиб борилади.

Педагогик кенгаш йиғилиши баённомаларини рақамлаш ҳар ўқув йили бошида (август ойида) янгидан бошланади.

14. Педагогик кенгашнинг йиғилишлари, агар уларда барча кенгаш аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми, навбатдан ташқари йиғилишда эса учдан бир қисми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

15. Педагогик кенгаш қарорларини қабул қилиш очиқ овоз бериш орқали амалга оширилади.

Педагогик кенгаш қарори унинг йиғилишида иштирок этган аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда педагогик кенгаш раиси ҳал қилувчи овозга эга бўлади.

16. Педагогик кенгаш йиғилишини ўтказиш вақти, жойи ва кун тартиби бир ҳафта олдин эълон қилинади.

17. Педагогик кенгаш йиғилишида муҳокама қилинадиган масалалар бўйича материаллар доимий ёки вақтинча ташкил этилган гуруҳлар ёхуд тегишли педагог ходимлар томонидан тайёрланади.

## 4-боб. Педагогик кенгашнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

18. Педагогик кенгаш қуйидаги ҳуқуқларга эга:

спорт мактабининг ўқув жараёнини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қарорлар қабул қилиш;

ўқув йили якунида ўқувчи-спортчиларни кейинги гуруҳга ёки спорт тайёргарлиги босқичига кўчириш, кейинги йилда ўқитиладиган гуруҳга ўтказиш учун белгиланган ёшга етмаган, бироқ ўқишнинг олдинги йили дастурий талабларини бажарган айрим ўқувчи-спортчиларни гуруҳдан-гуруҳга ўтказиш, шунингдек, спорт тайёргарлигининг айнан шу босқичида ўқишни давом эттириши (такроран ўқиш) масалаларини ҳал этиш;

ўқув, маънавий-маърифий, илмий-методик ва тажриба-синов ишларида фаол иштирок этган, ўқувчи-спортчилари спортда юқори натижалар кўрсатган, ўқувчи ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилишда муносиб ўрнак бўлиб келаётган тренерларни моддий рағбатлантириш юзасидан таклиф киритиш;

спорт турлари бўйича халқаро танловлар ва турли мусобақаларда қатнашиш учун тренерлар ҳамда ўқувчи-спортчилар номзодини тавсия этиш;

спорт мактабида ўқув жараёнини такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш;

спорт мактабининг истиқбол режасини белгилаш.

Педагогик кенгаш қонун ҳужжатларига ҳамда ўз вазифаларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19. Педагогик кенгаш қуйидагиларга мажбур:

спорт мактаби иш режаси бажарилишини таъминлаш; педагог ходимлар ва ўқувчи-спортчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

спорт мактабининг фаолиятига оид энг муҳим ва долзарб масалаларни муҳокама қилиш;

ҳар чоракда спорт мактаби методик кенгашининг фаолиятига доир ҳисоботини кўриб чиқиш;

таълим-тарбия сифатини янада яхшилаш бўйича берилган ҳар қандай таклифни қабул қилиш ва кўриб чиқиш;

ўқув машғулотлар режасини тренер-ўқувчилар томонидан ўзлаштиришга қулай бўлиши нуқтаи назаридан такомиллаштириш;

таълим-тарбияга оид мунозарали масалаларни муҳокама қилиш ва якуний қарор қабул қилиш;

замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш бўйича педагогик изланишларни ва ижодий ташаббускорликларни қўллаб-қувватлаш;

ўқув жараёнини самарали ташкил қилишнинг турли шакл ва услубларини муҳокама қилиш ва амалиётга татбиқ этиш;

тренер-ўқитувчиларга жисмоний тарбия ва спортга оид норматив-ҳуқуқий ҳамда методик ҳужжатларнинг етказилиши, шунингдек, уларни тушунтириш ишларининг олиб борилишини назорат қилиш.

Педагогик кенгаш қонун ҳужжатларига ҳамда ўз вазифаларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## 5-боб. Педагогик кенгаш ҳужжатлари

20. Спорт мактабида педагогик кенгаш фаолиятига оид қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимининг буйруғи билан тасдиқланган спорт мактабининг педагогик кенгаши тўғрисидаги низом;

педагогик кенгашнинг тасдиқланган иш режаси;

педагогик кенгаш йиғилиши баённомаларини қайд этиш дафтари; педагогик кенгаш йиғилиши баённомалари;

педагогик кенгаш йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан таҳлилий материаллар.

21. Педагогик кенгаш ҳужжатларининг сақланишига педагогик кенгаш раиси ва котиби жавобгар ҳисобланади.

Педагогик кенгаш йиғилиши баённомаларини қайд этиш дафтари доимий, тайёрланган таҳлилий материаллар ва ҳужжатлар эса уч йил мобайнида сақланади ҳамда тегишли архивга топширилади.

## 6-боб. Якуний қоидалар

22. Педагогик кенгаш қарорларини бажариш спорт мактабининг ҳар бир ходими учун мажбурий бўлиб, қарорлар ижросининг умумий назорати педагогик кенгаш раиси томонидан амалга оширилади.

23. Мазкур Намунавий низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ

## Қ А Р О Р И

## «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ МЕЗОНЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1836-2**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги 136-сон «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 2008 йил 12 июндаги 01-193, 173 ва 25-сон «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мезонлари ва технологиялари бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 1836, 2008 йил 14 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 287-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги**
**Давлат тест маркази директори** **Ж. Исмоилов**

*Тошкент ш.,*
*2016 йил 15 август,*
*19-1-сон*

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири** **А. Вахабов**

*Тошкент ш.,*
*2016 йил 15 август,*
*4-2016-сон*

**Халқ таълими вазири** **У. Иноятов**

*Тошкент ш.,*
*2016 йил 15 август,*
*10-мҳ-сон*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 15 августдаги 19-1, 4-2016 ва 10-мҳ-сон қарорига ИЛОВА*

## «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мезонлари ва технологиялари бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Қарорнинг номи ва 1-бандидан «ва технологиялари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Йўриқномада:

а) номи ва 2-бобнинг номидан «ва технологиялари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги 293-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда 2006 йил 10 февралдаги 21-сонли «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасаларини (бундан кейинги ўринларда таълим муассасалари деб юритилади) аттестациядан ўтказиш мезонларини белгилайди»;

в) 1-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари аттестацияси ҳудудий аттестация комиссиялари томонидан, бошқа таълим муассасалари аттестацияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (бундан кейинги ўринларда ДТМ деб юритилади) томонидан ташкил этилади ҳамда ўтказилади.»;

г) 2-банддан «ушбу Йўриқномада белгиланган технологиялар асосида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

д) 5-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

е) 8-бандда:

«б» кичик бандда:

учинчи — бешинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Комиссиянинг қарорига биноан назорат иши олинадиган синфлар қуръа ташлаш йўли билан аниқланади (синфлар сони тўлиқ келтирилади ва таълим муассасаси раҳбари иштирокида ўтказилади). 4 ва 9-синфлардан параллел синфларнинг камида ярми, қолган синфлардан Комиссия томонидан қуръа ташлаш йўли билан биттаси танланади (1-синф ўқувчилари назорат ишларида қатнашмайди). Таълим бир нечта тилда олиб бориладиган таълим муассасаларида 4 ва 9-синфларда таълим тилига қараб, уларнинг ҳар биридан биттадан синф танланади. Назорат ишларида ўқувчиларнинг 100 фоизи қатнашиши таъминланиши зарур. Назорат ишларида узрсиз сабабга кўра қатнашмаган ўқувчиларга «қониқарсиз» баҳо қўйилади ва унинг натижаси умумий натижа чиқарилаётганда ҳисобга олинади. Комиссия фаолияти даврида сабабли асосга кўра назорат ишида қатнашмаган ўқувчилар натижа чиқарилаётганда ҳисобга олинмайди ва ўқувчилар умумий сонидан чиқариб ташланади.

Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари билим даражаси 2-синфда: она тилидан ёзма (диктант — ўқув йили биринчи ярмида 25 — 30 та сўз, ўқув йилининг охирида 30 — 40 та сўз), математикадан ёзма (3 та мисол);

3-синфда она тилидан ёзма (диктант-ўқув йили биринчи ярмида 45 — 55 та сўз, ўқув йилининг охирида 50 — 60 та сўз), таълим рус ёки бошқа тилда олиб бориладиган синфлар учун ўзбек тилидан ёзма (диктант — 12 — 16 та сўз), таълим ўзбек тилида олиб бориладиган синфлар учун рус тилидан ёзма (диктант — 40 — 45 та сўз);»;

олтинчи хатбоши «3 та мисол» деган сўзлардан кейин «ва 2 та масала» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6-синфда ботаникадан 20 та тест саволи, хорижий тилдан 20 та тест саволи, ўзбек тилидан (таълим рус ёки бошқа тилда олиб бориладиган синфлар учун) ёзма (диктант — 25 — 30 та сўз), рус тилидан (таълим ўзбек тилида олиб бориладиган синфлар учун) ёзма (диктант — 60 — 65 та сўз);»;

«з» кичик банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«таълим муассасалари ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг сифатига оид амалий ишлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 473-сонли «Уму-

мий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2010 йил 7 июндаги 109-сонли «Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олишни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига кўра ўрганилади;»;

ж) 10-бандда:

«б» кичик банднинг учинчи хатбошисидан «ўқувчилар қабулининг ташкил этилиши ва ўтказилиши,» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«в» кичик бандда:

иккинчи хатбошидаги «II-курс ўқувчиларидан умумтаълим, III-курс» деган сўзлар «2-курс ўқувчиларидан умумтаълим, 3-курс» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Назорат ишларига ҳар бир таълим йўналиши (мутахассислик) дан 2-курс гуруҳларидан 1 та гуруҳ, 3-курс гуруҳларининг камида ярми жалб этилади»;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Умумтаълим фанларидан назорат ишлари она тили ва адабиёти, хорижий тил, математика, тарих, физика, биология, кимё, информатика фанлари орасидан йўналиш (мутахассислик)нинг хусусиятига қараб танланади. Умумтаълим фанларидан назорат ишлари академик лицейларда камида 3 та фандан, касб-ҳунар коллежларида камида 2 та фандан ўтказилади.»;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Академик лицейда таълим йўналиши бўйича 3 та асосий чуқурлаштирилган фанлардан назорат ишлари ўтказилади. Касб-ҳунар коллежида ўқувчиларнинг ўқув режасидаги фанларни ўзлаштириш даражаси 1 та мутахассислик фанидан назорат иши ва охирги ўқув йилида ўтказилган касбий амалий имтиҳон натижалари бўйича чиқарилади.

Тест саволлари касб-ҳунар коллежлари 2-курс ўқувчилари учун 2 та умумтаълим фанидан 18 тадан (академик лицей ўқувчилари учун 3 та фандан 12 тадан), жами 36 та, 3-курс ўқувчилари учун 3 та умумкасбий ва махсус (чуқурлаштирилган) фанлардан 12 тадан, жами 36 та саволни ташкил этади. Тест саволларини ечиш учун бир астрономик соат, белгиланган жавобларни жавоблар варақасига кўчириш учун қўшимча 10 дақиқа вақт берилади»;

з) 11-банднинг «д» кичик бандидан «бўйича таълим муассасаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

и) 12-банднинг «и» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«и) катта илмий ходим-изланувчилар институти орқали ҳамда мустақил изланувчилик асосида илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш фаолияти бўйича:

олий таълим муассасасининг катта илмий ходим-изланувчилар институти ва мустақил изланувчилик орқали олий малакали (фан докторлари) кадрлар тайёрлаш фаолияти таҳлил этилади. Катта илмий ходим-изланувчилар институтини тугатиб, ўз муддатида ҳимоя қилганлар сони, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича ишлар, мутахассисликлар бўйича катта илмий ходим-изланувчилар институти ва мустақил изланувчиликнинг мавжудлиги, уларнинг ихтисослиги йўналиши олий ўқув юртидан кейинги, таълим ихтисослиги мансуб бўлган фан соҳасига мувофиқлиги ўрганилади;

катта илмий ходим-изланувчилар институти ва мустақил изланувчилик асосида илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш фаолияти олий таълим муассасасининг умумий кўрсаткичи сифатида баҳоланади;»;

к) қуйидаги мазмундаги $4^1$-параграф билан тўлдирилсин.

### «$4^1$-§. Олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларини баҳолаш

$12^1$. Олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланади:

а) давлат талабларининг таълим жараёнига жорий этилиши бўйича:

олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талабларининг бажарилиши ўрганилади;

олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларида ўқитиш шакллари ва муддатлари, уларга қабул қилиш талабларининг бажарилиши ўрганилади;

катта илмий ходимлар-изланувчилар сифатида ўқишга кирувчи талабгорларга қўйиладиган талабларнинг бажарилиши ўрганилади;

олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларида ўқишни ташкил этиш ҳолати таҳлил қилинади;

б) докторлик диссертацияси мавзулари ва бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларнинг республика илмий-техник ҳамда технологик ривожланиш ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларига мослиги бўйича:

белгиланган муддатларда давлат илмий-техник дастурлари доирасида докторлик диссертацияларининг тавсия этиладиган мав-

зулари ишлаб чиқилганлиги, мавзулар олий таълим муассасаси кенгашида ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий кенгашида уларнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор вазифаларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилганлиги;

тавсия этиладиган докторлик диссертациялари мавзулари олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасаси томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, ўзлари тизимига кирадиган вазирликлар, идоралар ёки ташкилотлар билан келишилганлиги;

катта илмий ходимлар-изланувчиларнинг докторлик диссертациялари мавзуларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг Интернет-саҳифасида эълон қилинганлиги;

тасдиқланган докторлик диссертацияси мавзулари «ОАК Бюллетени» журналида эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясига (бундан буён матнда ОАК деб юритилади) ўз муддатида тақдим этилганлиги;

в) илмий маслаҳатчилар таркибининг сифат кўрсаткичлари ҳамда уларнинг илмий-ташкилий фаолияти натижалари бўйича:

илмий маслаҳатчиларнинг фаол илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб бораётган, шу жумладан давлат илмий-техник дастурлари доирасида илмий-техник лойиҳаларни амалга оширишда қатнашаётган фан докторлари таркибидан танлаб олинганлиги;

илмий маслаҳатчилар тавсия этган докторлик диссертацияси мавзуларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг Интернет-саҳифасида эълон қилинганлиги;

илмий маслаҳатчилар бир вақтнинг ўзида нечта катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчиларга илмий раҳбарлик қилаётганлиги;

илмий маслаҳатчи катта илмий ходим-изланувчи билан биргаликда диссертация ишини тайёрлашнинг якка тартибдаги режасини ишлаб чиққанлиги ва унинг белгиланган муддатда олий таълим муассасаси кенгаши ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий кенгашида тасдиқланганлиги;

илмий маслаҳатчи танланган мутахассислик бўйича назарий-методологик курснинг ўқув режасини ишлаб чиққанлиги ва унинг белгиланган муддатда олий таълим муассасаси кенгашида ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий кенгашида тасдиқланганлиги;

назарий-методологик дастур катта илмий ходим-изланувчи томонидан ўқишнинг биринчи йили мобайнида илмий маслаҳатчининг ёрдамида ўзлаштирилганлиги;

илмий маслаҳатчи раҳбарлигида ўз вақтида ҳимоя қилган катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчилар сони ўрганилади;

г) кадрлар тайёрлаш бўйича истиқбол режанинг устувор йўналишларга мослиги бўйича:

кадрлар тайёрлаш бўйича истиқбол режанинг мавжудлиги;

истиқбол режанинг давлат илмий-техник дастурларига мувофиқлиги ўрганилади;

д) таълимни амалга ошириш жараёнига жалб этилган педагог ва илмий ходимларнинг ОАК эътироф этган журналларда, шунингдек, хорижий нашрларда илмий мақолаларни чоп этиш фаолияти бўйича:

таълимни амалга ошириш жараёнига жалб этилган педагог ва илмий ходимларнинг олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари натижалари ўрганилади;

таълимни амалга ошириш жараёнига жалб этилган педагог ва илмий ходимлар томонидан ОАКнинг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этиладиган етакчи илмий журналлар ва нашрлар, шу жумладан электрон илмий-техник журналлар рўйхатига киритилган илмий нашрларда илмий мақолаларнинг нашр этиш фаолияти таҳлил қилинади;

е) илмий-экспериментал, моддий-техник базанинг ҳолати бўйича:

илмий-экспериментал лабораториялар билан таъминланганлик даражаси, уларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги ва улардан фойдаланилиши ҳолати;

олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ахборот ресурс марказларида тадқиқот соҳаси бўйича илмий манбаларнинг мавжудлиги;

илмий-тадқиқотларни олиб бориш учун асбоб-ускуналар, материаллар, ахборот-коммуникация воситалари, компьютер техникаси, оргтехника ва бошқа зарур воситаларнинг етарли даражада мавжудлиги ўрганилади ва таҳлил қилинади;

ж) катта илмий ходим-изланувчиларга ижтимоий, илмий, ижодий ҳамда лойиҳалаш ишларини олиб боришлари учун яратилган шарт-шароитлар бўйича:

катта илмий ходим-изланувчилар учун илмий ишларини бажариши учун яратилган шарт-шароитлар ўрганилади.

Бунда:

катта илмий ходим-изланувчиларнинг турар жойлар билан таъминланганлик ҳолати;

олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасида катта илмий ходим-изланувчиларнинг спорт билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитларнинг мавжудлиги;

катта илмий ходим-изланувчилар учун олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ахборот ресурс марказидан, замонавий компьютерлардан ҳамда Интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича, шунингдек, бошқа зарур шарт-шароитларнинг яратилганлиги ўрганилади;

з) катта илмий ходим-изланувчиларнинг шахсий иш режаларининг бажарилиши, ҳисоботларининг олий таълим муассасаларининг кенгаши ёки илмий тадқиқот муассасаларининг илмий (илмий-техникавий) кенгашлари, тегишли бўлим, лаборатория ва бошқаларда муҳокама қилинганлиги ҳамда тасдиқланган режага мос деб топилганлиги бўйича:

катта илмий ходим-изланувчиларнинг шахсий иш режаларининг бажарилиши;

ҳисоботларнинг олий таълим муассасаларининг кенгаши ёки илмий тадқиқот муассасаларининг илмий (илмий-техникавий) кенгашлари, тегишли кафедра, бўлим, лаборатория ва бошқаларда муҳокама қилинганлиги ҳамда тасдиқланган режага мос деб топилганлиги йиллар кесимида ўрганилади.

Бунда:

катта илмий ходим-изланувчи томонидан эълон қилинган илмий ишларда ҳимоя қилинаётган докторлик диссертациясининг асосий натижалари акс этганлиги ҳамда илмий натижалар халқаро ва республика доирасида ўтказиладиган илмий конференцияларда, семинарларда, давра суҳбатларида муҳокамадан ўтказилганлиги;

катта илмий ходим-изланувчи томонидан илмий ишларнинг ОАКнинг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этиладиган етакчи илмий журналлар ва нашрлар, шу жумладан электрон илмий-техник журналлар рўйхатига киритилган илмий нашрларда эълон қилинганлиги;

катта илмий ходим-изланувчилар томонидан эълон қилинган илмий ишлар сонининг диссертация бўйича эълон қилиниши лозим бўлган илмий ишларнинг умумий сонига қўйилган талабларга мувофиқлиги;

ижтимоий-гуманитар ва иқтисодиёт соҳалари бўйича диссертация натижалари юзасидан монография эълон қилинганлиги ўрганилади;

и) катта илмий ходим-изланувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингининг олиб борилиши ҳолати бўйича:

катта илмий ходим-изланувчиларнинг олий таълим муассасаси ва илмий-тадқиқот муассасасидаги фаолияти самарадорлиги бўйича ўтказилган мониторинг натижаси таҳлил қилинади;

к) олий ўқув юртидан кейинги таълимни битирган катта илмий ходим-изланувчиларнинг докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш ҳолати бўйича:

сўнгги 3 йилда катта илмий ходим-изланувчилар институтини битирганлар ва улардан докторлик диссертациясини ҳимоя қилганлар ҳамда илмий кенгашга ҳимояга тақдим этганлар сони ихтисосликлар бўйича аниқланади;

л) докторлик диссертациялари доирасида олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этиш ҳолати ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги бўйича:

диссертация натижаларининг фанга, амалиётга татбиқ этилганлиги ёки ташкилотлар томонидан жорий қилиш учун қабул қилинганлиги юзасидан асосли ҳужжатлар мавжудлиги, ушбу ҳужжатлар ташкилотларнинг илмий-техникавий кенгашлари томонидан кўриб чиқилганлиги, маъқулланганлиги ва унинг раҳбарияти томонидан тасдиқланганлиги;

ўтказилган тадқиқотлар ва яратилган ишланмалар асосида муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик долзарб илмий ёки амалий муаммоларнинг ҳал қилинганлиги;

тегишли фан соҳасининг истиқболли йўналишини ривожлантиришда маълум бир ютуқ деб баҳолаш мумкин бўлган янги назарий қоидалар мажмуи ишлаб чиқилганлиги;

илмий-тадқиқот ишлари натижалари фан ва техникани ривожлантиришга ҳамда ижтимоий-сиёсий соҳани ва иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилишда ўз ифодасини топганлиги.»;

л) 13-бандда:

биринчи хатбошидан «(500 баллгача)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«а» кичик бандда:

биринчи хатбошидан «(100 баллгача)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «фанларнинг намунавий ва ишчи ўқув режалари билан» деган сўзлар «фанларнинг намунавий ва ишчи дастурлари билан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«б» кичик банднинг биринчи хатбошисидан «(200 баллгача)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«в» ва «г» кичик бандларнинг биринчи хатбошисидан «(100 баллгача)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазир-

лиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Ташқи ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК, Ўзбекистон Бадиий академияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси билан келишилган.

**Соғлиқни сақлаш вазири** **А. Алимов**
*2016 йил 2 август*
**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири** **Ш. Тешаев**
*2016 йил 4 август*
**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори** **У. Салимов**
*2016 йил 18 июль*
**Маданият ва спорт ишлари вазири** **Б. Ахмедов**
*2016 йил 8 август*
**«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси** **А. Раматов**
*2016 йил 10 август*
**Ташқи ишлар вазири** **А. Камилов**
*2016 йил 15 август*
**Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири** **Х. Мирзахидов**
*2016 йил 12 август*
**Давлат солиқ қўмитаси раиси** **Б. Парпиев**
*2016 йил 25 июль*
**«Навоий кон-металлургия комбинати» ДК бош директори в.в.б.** **Н. Снитка**
*2016 йил 27 июль*
**Ўзбекистон Бадиий академияси раиси** **А. Нуридинов**
*2016 йил 20 июль*
**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раиси** **А. Юсупов**
*2016 йил 22 июль*
**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ижро аппарати раҳбари** **О. Парпиев**
*2016 йил 29 июль*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2016 йил 15 сентябрь* *226-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ “ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИНИНГ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАҚИДА

Ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топтиришга кўмаклашиш, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, улар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш, ҳуқуқий онги ва маданияти даражасини юксалтириш, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, шунингдек, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунининг ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирликнинг барча бошқарма ва бўлим бошлиқларига:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

таълим сифатини оширишга, малакали кадрларни тайёрлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

манфаатдор органлар ва муассасалар билан биргаликда ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигининг таҳлилини амалга ошириш ҳамда унинг натижалари асосида таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

ёшларнинг таълими ва тарбияси сифатини ошириш, ўқув жараёнига таълимнинг замонавий шакллари ва усулларини жорий этиш чора-тадбирларини кўриш;

таълим муассасаларида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида спорт секциялари, фан, техника тўгараклари ва ижодий тўгараклар, клублар ташкил этиш;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, шунингдек, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга доир фаолиятда иштирок этиш; имконияти чекланган ёшларга ижтимоий-психологик ва педагогик ёрдам кўрсатиш;

ёш фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослашиш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилиш вазифалари юклатилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, давлат педагогика институтлари, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари ҳамда республика таълим муассасалари Қонуннинг мазмун-моҳиятини педагог ходимлар, талабалар ва ўқувчи ёшларга тушунтириш чораларини кўрсин.

4. Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев)га:

соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга, жамият ҳаётида ёшларнинг роли ва фаоллигини оширишга, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш;

вазирлик тизимидаги газета ва журналларда Қонуннинг мазмун-моҳиятини тартиб қилишга қаратилган мақолалар чоп этиш ва уларни вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириб бориш тавсия этилсин.

5. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2016 йил 16 сентябрь* *11-мҳ-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

## БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ УЧУН ОИЛАГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ НАМУНАВИЙ БИТИМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2831**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

1. Болаларни тарбиялаш учун оилага қабул қилиш тўғрисидаги намунавий битим иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Халқ таълими вазири** **У. Иноятов**

*Тошкент ш.,*
*2016 йил 16 сентябрь,*
*11-мҳ-сон*

***Келишилган:***

**Соғлиқни сақлаш вазири** **А. Алимов**

*2016 йил 16 сентябрь*

**Молия вазири** **Р. Азимов**

*2016 йил 16 сентябрь*

*Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2016 йил 16 сентябрдаги 11-мҳ-сон буйруғига ИЛОВА*

**Болаларни тарбиялаш учун оилага қабул қилиш тўғрисида НАМУНАВИЙ БИТИМ**

20___ й. «___» ___________ _______-сон __________ тумани (шаҳри)
_____________________________________________ тумани (шаҳар)
*(туман (шаҳар) номи)*
халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими номидан низом асосида фаолият юритувчи бўлим мудири ____________________________________________________
*(фамилияси, исми ва отасининг исми)*
(бундан буён матнда Васийлик ва ҳомийлик органи деб юритилади) бир томондан, фуқаро(лар) ________________________________________
___________________________________________________________
*(эр-хотин ёки алоҳида фуқаронинг фамилияси, исми ва отасининг исми)*
___________________________________________________________
___________________________________________________________
*(яшаш манзили)*
___________________________________________________________
___________________________________________________________
*(паспорт серияси, рақами, қачон ва ким томонидан берилган)*
___________________________________________________________
___________________________________________________________
___________________________________________________________
*(оилавий шароитининг қисқача тавсифи)*
(бундан буён матнда Тутинган ота-оналар деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда Томонлар деб юритилади, мазкур Битимни қуйидагилар ҳақида туздилар:

**1-боб. Битим предмети**

1. Васийлик ва ҳомийлик органи ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган 20____ йил «_____» _____________ да туғилган
___________________________________________________________
*(вояга етмаганнинг фамилияси, исми ва отасининг исми)*
________________________________________________________нинг
(бундан буён матнда Тутинган бола деб юритилади) ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаган ҳолда Тутинган ота-оналарга тарбиялаш учун топшириш мажбуриятини, Тутинган ота-оналар эса мазкур Битим

шартларига асосан Тутинган боланинг барча ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда тарбиялаш учун оилага қабул қилиб олиш мажбуриятини олади.

### 2-боб. Умумий шартлар

2. Тутинган болани оилага тарбияга олиш (патронат) Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

3. Тутинган ота-оналар томонидан Тутинган болани оилага тарбияга олиш ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шаклларидан бири ҳисобланади.

### 3-боб. Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

4. Васийлик ва ҳомийлик органи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) мазкур Битимнинг 16-бандида белгиланган асослар мавжуд бўлганда уни муддатидан олдин бекор қилиш;

б) Тутинган боланинг манфаатлари йўлида исталган вақтда боланинг соғлиғи, таълим-тарбияси ва турмуш шароитини бориб ўрганиш;

в) Тутинган ота-оналардан ўз мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисида ҳамда Тутинган бола учун сотиб олинган кийим-бош ва пойабзал бўйича ҳисоботларни қабул қилиш;

г) Тутинган ота-оналар ўз ҳуқуқларидан ғаразгўйлик ёки бошқа ниятларда, Тутинган болага зарар келтирган ҳолда фойдалансалар, шунингдек, уни назоратсиз ҳамда зарур моддий ёрдамсиз қолдирсалар, уларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш масаласини қўзғатиш;

д) мазкур Битим бўйича келиб чиқадиган низолар юзасидан судда иштирок этиш.

5. Васийлик ва ҳомийлик органининг мажбуриятлари:

а) бир йилда камида икки маротаба Тутинган боланинг турмуш шароитларини ва тарбияланишини бориб ўрганиш;

б) Тутинган ота-оналарни соғлиғи тўғрисидаги маълумотларни янгилаш лозимлиги ҳақида жорий йил тугашидан бир ой олдин огоҳлантириш;

в) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тутинган болани ҳар йили бир марта кийим-бош ва пойабзал билан таъминлаш ва Тутинган ота-оналарга ҳар ойда нафақа тўлаб бориш чораларини кўриш;

г) мазкур Битим тузилаётганда Тутинган ота-оналарга Тарбиялаш (патронат) учун оилаларга бериладиган етим болаларни кийим-бош, пойабзал билан таъминлаш ҳамда болани ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1189, 2002 йил 18 ноябрь) талабларини тушунтириш.

6. Тутинган ота-оналар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) мазкур Битимнинг 15-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолларда уни муддатидан олдин бекор қилиш юзасидан Васийлик ва ҳомийлик органига мурожаат қилиш;

б) Тутинган болага нисбатан васий (ҳомий) ҳуқуқларига эга бўлиш;

в) Тутинган бола номидан ҳамда унинг манфаатларини кўзлаб қонун ҳужжатлари талабларига зид бўлмаган барча зарур битимларни тузиш;

г) Тутинган болага кийим-бош ва пойабзал сотиб олиш учун ажратилган маблағларни нақд пул шаклида ёки банк пластик картасига пул ўтказиш йўли билан олиш;

д) Тутинган боланинг манфаатлари йўлида сарфлаш учун энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида ҳар ойлик нафақа олиш.

7. Тутинган ота-оналарнинг мажбуриятлари:

а) Тутинган болага нисбатан васий (ҳомий) мажбуриятларини бажариш;

б) қонуний вакил сифатида Тутинган боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, унга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашиш ва шарт-шароитлар яратиб бериш;

в) Тутинган болани кейинги йил учун зарур бўлган кийим-бош ва пойабзал билан таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 15 декабригача Васийлик ва ҳомийлик органига буюртма тақдим этиш;

г) ўз мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисида ҳамда Тутинган бола учун сотиб олинган кийим-бош ва пойабзал бўйича ҳисоботларни ҳар йили 10 январгача Васийлик ва ҳомийлик органига тақдим этиш;

д) Тутинган бола учун сотиб олинган кийим-бош ва пойабзал бўйича ҳисобот билан бирга, мазкур маҳсулотларнинг сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (касса чеки ёхуд товарга ҳақ тўланганлигини тасдиқлайдиган чекка тенглаштирилган ҳужжат) тақдим этиш;

е) ўзининг соғлиғи тўғрисидаги маълумотларни ҳар йили 10 январгача Васийлик ва ҳомийлик органига тақдим этиш.

8. Томонлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## 4-боб. Тутинган болани таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш

9. Тутинган болани таъминлаш, тарбиялаш ва унинг таълим олиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш Тутинган ота-оналар томонидан амалга оширилади.

10. Тутинган бола тарбияланаётган оиладаги болаларнинг умумий сони, ўз болалари ва Тутинган болалар билан биргаликда, қоида тариқасида, 8 нафардан ошмаслиги керак.

11. Тутинган болалар Тарбиялаш (патронат) учун оилаларга бериладиган етим болаларни кийим-бош, пойабзал билан таъминлаш ҳамда болани ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1189, 2002 йил 18 ноябрь) мувофиқ зарур кийим-бош ва пойабзал билан таъминланади. Тутинган ота-оналарга Тутинган боланинг манфаатлари йўлида сарфлаш учун энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида ҳар ойлик нафақа тўланади.

12. Тутинган ота-оналар Тутинган боланинг таъминоти, унга таълим-тарбия бериш ва унинг соғлиғини сақлаш бўйича тегишли давлат органлари ва муассасаларидан ҳуқуқий, услубий, диагностика ва маслаҳат ёрдами олиши мумкин.

13. Тутинган ота-оналар Тутинган боланинг мактабгача таълим (ихтиёрий), умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олиши учун барча шароитларни таъминлайди.

14. Тутинган ота-оналар Тутинган боланинг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилади.

## 5-боб. Битимни бекор қилиш асослари ва оқибатлари

15. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 196-моддасига мувофиқ, мазкур Битим қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

узрли сабаблар (касаллиги, оилавий ёки мулкий мавқеининг ўзгариши, Тутинган бола билан ўзаро бир-бирини тушунмаслик ва бошқа сабаблар) мавжуд бўлса, Тутинган ота-она ташаббуси билан;

Васийлик ва ҳомийлик органининг ташаббуси билан;

Тутинган бола ота-онасига қайтарилганда;

Тутинган бола фарзандликка олинганда.

16. Мазкур Битим қуйидаги ҳолларда Васийлик ва ҳомийлик органининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин:

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги низомнинг иккинчи бўлими 4-бандига мувофиқ, Тутинган ота-она бундан кейин Тутинган ота-она вазифасини бажаришига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар пайдо бўлса;

Тутинган боланинг турмуш шароитларини ва тарбияланишини кузатиб бориш жараёнида Тутинган ота-она мазкур Битим шартларига риоя қилмаётганлиги аниқланса.

17. Мазкур Битимни Тутинган ота-она ташаббуси билан бекор қилиш уларнинг аризаси асосида уч кун ичида Васийлик ва ҳомийлик органи раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

18. Мазкур Битимнинг 15-банди учинчи – бешинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда Битимни бекор қилиш Тутинган ота-оналарни камида бир ҳафта олдин ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда Васийлик ва ҳомийлик органи раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

19. Мазкур Битим бекор қилинган кундан бошлаб Тутинган ота-она Тутинган болага нисбатан ҳуқуқлари ва мажбуриятларини йўқотади, Тутинган ота-она орқали Тутинган болани зарур кийим-бош ва пойабзал билан таъминлаш ҳамда унинг манфаатлари йўлида сарфлаш учун ҳар ойлик нафақа тўлаш тўхтатилади. Бунда Тутинган бола учун кийим-бош ва пойабзал сотиб олишга ажратилган маблағлар ҳисобидан харид қилинган ашёлар Тутинган боланинг ўзида қолдирилади.

20. Мазкур Битим унинг 15-банди иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган асосларга кўра бекор қилинган ҳолларда Васийлик ва ҳомийлик органи Тутинган боланинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уни жойлаштириш чораларини кўради.

**6-боб. Низоларни ҳал қилиш**

21. Тутинган ота-она Васийлик ва ҳомийлик органининг мазкур Битимни тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш бўйича хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилишга ҳақли.

22. Васийлик ва ҳомийлик органи Тутинган боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

**7-боб. Якуний қоидалар**

23. Мазкур Битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва Тутинган бола ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар амал қилади.

24. Мазкур Битимга қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритилиши муносабати билан ва / ёки Томонларнинг келишувига мувофиқ ёзма шаклда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Битимнинг қонун ҳужжатлари асосида белгиланган шартлари ўзгартирилиши мумкин эмас.

25. Мазкур Битимда кўрсатилган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Томонлар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

26. Мазкур Битим икки нусхада тузилади, Васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда Тутинган ота-оналарда бир нусхадан сақланади.

**8-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва бошқа реквизитлари**

| | |
|---|---|
| Тутинган ота-оналар<br>Яшаш манзили:<br>_________________________<br>_________________________<br>_________________________<br>Паспорт маълумотлари:<br>_________________________<br>_________________________<br>_________________________<br>_________________________<br>*(Ф.И.О.)*<br><br>_______________<br>*(имзо)* | Васийлик ва ҳомийлик органи<br>Юридик манзили:<br>_________________________<br>_________________________<br>Банк реквизитлари:<br>_________________________<br>_________________________<br>МФО: ____________________<br>СТИР: ___________________<br>_________________________<br>*(раҳбарнинг Ф.И.О.)*<br><br>_______________<br>*(имзо, муҳр)* |

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2016 йил 27 сентябрь* *235-сонли*

**Б У Й Р У Ғ И**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ УЧУН 2016-2017 ЎҚУВ ЙИЛИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАЯНЧ ЎҚУВ РЕЖАСИНИНГ ТУШУНТИРИШ ХАТИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сон “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2016 йил 10 майдаги 121-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасалари учун 2016-2017 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режасига тушунтириш хатининг 14-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

2. Малакали ўқитувчилар ва етарли хоналарга эга бўлган барча турдаги умумий ўрта таълим муассасаларида қуйидаги фанлардан машғулотлар ўтказиш учун синфларни икки гуруҳга бўлиб ўқитишга рухсат этилади:

5-9 синфлардаги ўқувчилар сони 25 ва ундан зиёд бўлган шаҳар мактабларида, ўқувчилар сони 20 ва ундан зиёд бўлган қишлоқ мактабларида меҳнат бўйича машғулотларда;

1-9-синфлардаги ўқувчилар сони 25 ва ундан зиёд бўлган таълим рус тилида олиб борилмайдиган мактабларда рус тили ва адабиёти дарсларида ҳамда таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда ўзбек тили ва адабиёти дарсларида;

1-9-синфлардаги ўқувчилар сони 25 ва ундан зиёд бўлган чет тили, информатика дарслари, айрим фанлар чуқур ўрганиладиган синфларда муассаса уставига мувофиқ ихтисослаштирилган фанлар бўйича дарсларда.

3. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклансин.

**Вазир** **У. Иноятов**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2016 йил 30 сентябрь* *239-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

## ЕТИМ БОЛАЛАР ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН МУАССАСАЛАР ХОДИМЛАРИ ВА ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга мўлжалланган тарбия муассасаларида оилавий шароитга яқинлаштирилган ижтимоий-маънавий ва психологик муҳит яратиш, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган тарбиявий ишлар самарадорлигини янада ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 12 августдаги 263-сон “Ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга мўлжалланган муассасалар ходимлари ва тарбияланувчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари (бундан буён матнда Одоб-ахлоқ қоидалари деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, А.П.Хлебушкина номидаги 22-сонли Меҳрибонлик уйи директорига:

бир ҳафта муддатда Одоб-ахлоқ қоидаларини халқ таълими тизимидаги барча Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари ва Оилавий болалар уйларига етказиш;

Одоб-ахлоқ қоидаларининг мақсад ва вазифаларини Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари ва Оилавий болалар уйлари ходимлари ҳамда тарбияланувчилар ўртасида кенг тарғиб қилиш;

Одоб-ахлоқ қоидалари билан тарбия муассасаларининг барча ходимларини таништириш ҳамда танишганлигини имзо қўйиш орқали тасдиқлатишни таъминлаш;

Одоб-ахлоқ қоидаларига тарбия муассасаларида қатъий риоя қилиниши устидан назорат ўрнатиш вазифалари юклатилсин.

3. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Ўзбекистон Республикаси*
*Халқ таълими вазирининг*
*2016 йил 30 сентябрдаги*
*239-сонли буйруғига*
*ИЛОВА*

## Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга мўлжалланган муассасалар ходимлари ва тарбияланувчиларининг ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга мўлжалланган муассасалар ходимлари ва тарбияланувчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари (бундан буён матнда Одоб-ахлоқ қоидалари деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги, “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонунлари ҳамда умумэътироф этилган маънавий-ахлоқий тамойиллар асосида ишлаб чиқилган. Одоб-ахлоқ қоидалари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари ва Оилавий болалар уйларининг ходимлари ва тарбияланувчиларига нисбатан татбиқ этилади.

2. Мазкур Одоб-ахлоқ қоидалари тарбия муассасаси жамоа аъзолари (маъмурият, ижтимоий ходим, психолог, тарбиячи, техник ходим ва тарбияланувчи)нинг ўзаро муносабатларида риоя этишлари шарт бўлган одоб-ахлоқ меъёрларини белгилайди.

3. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш тарбия муассасаси жамоа аъзоларининг барчаси учун мажбурий ҳисобланади.

### 2-боб. Одоб-ахлоқ қоидаларининг мақсад ва вазифалари

4. Одоб-ахлоқ қоидаларининг асосий мақсади етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга мўлжалланган тарбия муассасасида оилавий шароитга яқинлаштирилган ижтимоий-маънавий ва психологик муҳит яратиш, уларда миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиявий ишлар самарадорлигини янада оширишдан иборатдир.

5. Одоб-ахлоқ қоидаларининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ходимлар ва тарбияланувчиларнинг тарбия жараёнидаги ўзаро муносабатларини оилавий қадриятлар асосида йўлга қўйиш;

тарбия муассасаси жамоа аъзолари фаолиятида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг одат ва анъана тусига киришини таъминлаш;

тарбияланувчиларда шахсий ва индивидуал хислатларни шакллантириш, уларни баркамол инсон қилиб вояга етказиш, юксак маънавиятли, элу юрт учун манфаат келтирадиган билимли ва ақлли инсон этиб тарбиялаш.

## 3-боб. Жамоа аъзоларининг одоб-ахлоқига оид қоидалар

6. Тарбияланувчиларнинг одоб-ахлоқига оид қоидалар: кўришганда ёши кичиклар ёши катталарга ҳурмат юзасидан “Ассалому алайкум!’’ - деб салом бериши, ёши катталар эса “Ваалайкум ассалом!” - деб жавоб қайтариши.

Бунда тарбияланувчилар ходимларга, ўғил болалар қизларга, кичик ёшдагилар катта ёшдагиларга биринчи бўлиб ўнг қўлини чап кўксига қўйган ҳолда салом беришлари тавсия этилади *(ушбу ҳолатларда ўнг қўл билан қўл бериб сўрашиш истисно бўлиб, ёши катта шахслар биринчи бўлиб қўл узатганидан кейингина уларга жавобан қўл узатиш мумкин);*

хайрлашганда “Хайр, саломат бўлинг!” - деб ҳурмат кўрсатиш;

тарбиячиларга нисбатан “ота”, “дада”, “она”, “ойи” каби сўзлар билан мурожаат қилиш;

муносабатларда “сиз” деб мурожаат қилиш;

ёши катталар чақирганда “лаббай!” - деб жавоб бериш;

ўзаро муносабатларда – ягона оила, “ака-укалик”, “опа-сингиллик” муносабагларида бўлиш, ўзаро ҳурмат, дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳалоллик ва адолат тамойилларига амал қилиш;

беҳаё сўзларни ишлатмаслик;

тоза ва ораста кийиниш, саранжом-саришта юриш, сочларни озода ва тартибга келтирилган ҳолда тутиш;

ўз хонаси, ётоғи ва шахсий буюмларини тартибли ва тоза сақлаш;

овқатланиш вақтида катталарнинг нонга ёки таомга биринчи бўлиб қўл узатишини кутиб туриш, биринчи пиёладаги чойни катталарга узатиш, катталардан олдин қўл артмаслик;

кириш жойларида тарбияланувчилар ходимларга, ўғил болалар қизларга, катта ёшдаги тарбияланувчилар кичик ёшдаги тарбияланувчиларга йўл бериши;

ёши катталарнинг олдига кирганда уларнинг рухсати билан ўтириш, уларнинг олдидан рухсатсиз чиқиб кетмасликка одатланиш;

муассаса ҳудудида тинчликни сақлаган ҳолда баланд овозда гаплашмасликка риоя қилиш;

муассаса ҳудуди, бино ва иншоотлар, турар жой ҳамда бошқа умумий фойдаланиш объектларини тоза ва тартибли сақланишини таъминлаш;

муассаса мулки (бино ва иншоотлар, мебель, кийим-кечак, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ва ҳоказолар)га эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;

кундалик бажарилиши лозим бўлган ишларни эртага қўймасдан, бугуннинг ўзида амалга оширишга одатланиш;

муассасанинг шаъни ва нуфузига доғ туширадиган ҳар қандай ҳолатларнинг олдини олиш;

муассаса манфаати, унинг шаъни ва нуфузи тўғрисида қайғуриш, уларни сақлашда жонкуярлик қилиш ва уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

қунт билан ўқиш, уйга вазифаларини ўз вақтида ва мустақил бажаришга интилиш;

жамоат ишида фаол қатнашиш, муассасадаги ҳаётни яхшилаш учун ташаббус кўрсатиш;

муассаса кун тартибига қатъий риоя қилиш;

мазкур Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишда тенгдошларига ибрат бўлиш.

7. Ходимларнинг одоб-ахлоқига оид қоидалар:

ўзаро муносабатларда – ягона оила, ўзаро ҳурмат, дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳалоллик ва адолат тамойилларига амал қилиш;

иш фаолиятида бир тарафнинг бошқа тарафга тазйиқ ўтказиши ёки шунга ҳаракат қилиши, шунингдек, адолат тамойиллари ёки муассаса манфаатларига зид бўлган ҳолатларга чек қўйиш;

тарбияланувчиларнинг исмини тўлиқ айтган ҳолда қўшимча тарзда “болам”, “ўғлим”, “қизим” каби сўзлар билан мурожаат қилиш;

тарбияланувчилар билан мулоқот ва муносабатларда уларнинг ўзига хос ёш хусусиятларини, психикасини, психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш;

тарбияланувчиларга одоб-ахлоққа оид миллий анъаналаримиз, урф-одат ва қадриятларимизни кенг тушунтириб бориш, уларга риоя қилишда намуна бўлиш;

тарбияланувчиларга ота-оналик меҳр-муҳаббати билан таъсир кўрсатиш баробарида, уларга нисбатан ғамхўр ва талабчан бўлиш;

тарбияланувчилар билан суҳбатларда уларга ўгитлар, панд-насиҳатлар қилиш, уларнинг саволларига сабр-тоқат ва мулойимлик билан жавоб бериш;

тарбияланувчи содир этган ножўя хатти-ҳаракатлари, тартибсизликларининг салбий оқибатини унга фақат яхши сўзлар билан тушунтириш;

тарбияланувчилар билан болаларча беғубор, самимий, дўстона суҳбат қура билиш, уларни тинглай билиш, тўғри тушуниш, уларнинг хоҳиш-истаклари ва эҳтиёжларини инобатга олиш;

тарбияланувчилар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларни зарарли одатлардан ва бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда жамиятимиз учун ёт бўлган хуружлардан огоҳ этиб бориш;

тарбияланувчиларнинг бўш вақтларини назорат қилиш ва бўш вақтдан унумли фойдаланишни ташкил этиш;

тарбияланувчиларни касбий фаолиятга мақсадли йўналтириб бориш, уларда меҳнатга бўлган муҳаббатни тарбиялаш;

тарбияланувчиларни боқимандалик ва дангасалик, енгил-елпи ҳаётга мойилликдан ҳимоя қилиш;

тарбияланувчиларни ўзи таҳсил олаётган таълим муассасасига, педагоглар жамоасига, қариндошларига нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш;

тарбияланувчиларда китобга, мутолаага бўлган муҳаббатни тарбиялаш, “билим – инсон ҳаётида, келажагида ҳал қилувчи қадрият” деган тушунчани шакллантириш;

қизиқарли ва ҳаётда учраб турадиган аниқ вазиятлар ва мисоллар ёрдамида тарбияланувчиларнинг ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятини ошириш;

тарбияланувчиларга интернетга киришни тақиқламаган ҳолда интернатдаги баъзи ахборотлар салбий мақсадларда тарқатилаётганини эҳтиёткорлик билан тушунтириш;

компьютерларда тарбия муассасасига тегишли бўлмаган маълумотларни, шунингдек, турли ножўя кинофильмлар, ноқонуний диний маълумотлар, беҳаё суратлар, миллий, ирқий, этник, диний адоватни тарғиб қилувчи ҳар қандай материалларни тайёрлаш, сақлаш, фойдаланиш ва тарғиб этишнинг олдини олиш;

тарбияланувчилар халқаро телеканаллар орқали намойиш қилинадиган миллий қадриятларимизга зид ва номаъқул бўлган кўрсатув ва фильмларни ҳамда интернетдаги ахлоқсиз, тажовузкор руҳдаги сайтларни томоша қилмаслиги учун эҳтиёт чораларини кўриш;

бирорта нохуш воқеа ёки ҳодиса рўй берса, зудлик билан маъмуриятни хабардор қилиш;

муассаса тўғрисидаги ахборотлардан унинг манфаатлари ва обрўсига зиён етказиш учун ёки ўз манфаатлари йўлида фойдаланмаслик;

муассаса манфаатларига зид бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиш;

муассасанинг шаъни ва нуфузига доғ туширадиган ҳар қандай ҳолатларнинг олдини олиш;

мазкур Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишда ҳамкасблари ҳамда тарбияланувчиларга ибрат бўлиш.

## 4-боб. Муассаса жамоаси аъзоларига ман этиладиган ҳолатлар

8. Қуйидагилар ходимларга ман этилади:

жамоа аъзолари ҳамда бошқаларнинг шахсиятини ва қадр-қимматини камситиш;

тарбияланувчиларни ножўя, беодоб хатти-ҳаракати, интизомсизлиги, итоатсизлиги учун калтаклаш, ҳақорат қилиш;

тарбияланувчиларнинг интилишларини ҳисобга олмаслик, эҳтиёжларига бефарқ қараш, фикр-мулоҳазаларини менсимаслик;

тарбияланувчиларни асоссиз назоратсиз қолдириш;

муассасага спиртли ичимликлар истеъмол қилган, соч-соқолни тартибга келтирмаган, шахсий гигиенага ва кийиниш одобига риоя қилмаган ҳолда келиш;

муассаса ҳудудида спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш.

9. Қуйидагилар тарбияланувчиларга ман этилади:

муассаса ҳудудидан ўзбошимчалик билан ташқарига чиқиш;

ходимларга ва бошқа тарбияланувчиларга нисбатан ҳурматсизлик қилиш;

ходимларни чалғитиш билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларни амалга ошириш.

## 5-боб. Рағбатлантириш ва чора кўриш тартиби

10. Мазкур Одоб-ахлок қоидаларига тўлиқ риоя қилган, тарбия муассасасида юксак маънавий-ахлоқий муҳитнинг қарор топишига ва янада мустаҳкамланишига хизмат қилган жамоа аъзоларини қуйидагича моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бориш тавсия этилади:

ходимларга муассаса буйруғи билан ташаккурнома эълон қилиш, уларни тармоқ ва давлат мукофотларига тавсия қилиш;

"Фахрий ёрлиқ" билан тақдирлаш;

қимматбаҳо ва эсдалик совғалар билан мукофотлаш;

муассаса радиоузели орқали эълон қилиш;

“Энг фаол тарбияланувчи” номинациясини бериш;

стендларга намунали хулқли болалар расмлари ва уларнинг ютуқлари тафсилотлари баён қилинган маълумотларни жойлаштириш;

тарбияланувчиларни яхши одоби, хулқ-атвори ва билимдонлиги учун маънавий рағбатларни кўпроқ қўллаш, яъни уларга “баракалла”, “раҳмат”, “ақлли болажон”, “жуда одобли бола бўлибсиз”, “жуда ақлли бола бўлибсиз”, “катта олим бўлинг”, “барака топинг” каби мақтов ва рағбат сўзларни айтиш.

11. Жамоа аъзолари мазкур Одоб-ахлоқ қоидаларини бузганида уларга нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилади:

ходимларга муассаса буйруғи билан “Ҳайфсан” эълон қилиш;

тарбияланувчига танбеҳ бериш;

муассаса жамоаси орасида муҳокама қилиш.

## 6-боб. Якуний қоидалар

12. Одоб-ахлоқ қоидалари мазкур Қоидаларнинг иловасига мувофиқ шаклдаги журналга ҳар бир ходимга имзо қўйдирилган ҳолда, тарбияланувчиларга эса доимий равишда тушунтириб бориш орқали етказилади.

13. Одоб-ахлоқ қоидалари муассасага барчага кўринарли жойга жойлаштириб қўйилади.

14. Одоб-ахлоқ қоидаларининг талабларини ҳар бир ходим ва тарбияланувчилар тўлиқ билиши ва унга қатъий амал қилиши шарт.

15. Одоб-ахлоқ қоидалари болаларга қизиқарли ҳамда тушунарли талқинда турли брошюралар ва тавсияномалар кўринишида чоп этиб тарқатилиши мумкин.

16. Мазкур Одоб-ахлоқ қоидалари “Сен ёлғиз эмассан” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳамда Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази билан келишилган.

*Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга мўлжалланган муассасалар ходимлари ва тарбияланувчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларига*
*ИЛОВА*

________________________________________________

*(муассасанинг номи)*

**ходимлари ва тарбияланувчиларининг Одоб-ахлоқ қоидалари билан таништирилганлиги тўғрисида**
**МАЪЛУМОТ**

Одоб-ахлоқ қоидалари билан танишиб чиқдим, унга сўзсиз риоя қилишни ўз зиммамга оламан

| № | Ф.И.О. | Лавозими | Имзоси |
|---|---|---|---|
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| | | | |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2016 йил 18 октябрь* *249-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИГА ДОИР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг қонун лойиҳаларига доир фаолияти регламенти иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, давлат педагогика институтлари, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари, республика бўйсунувидаги ташкилот ва муассасалар:

ушбу буйруқ билан тасдиқланган регламентга мувофиқ ўзларининг қонун лойиҳалари ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш фаолиятини қайта кўриб чиқсинлар;

қонун лойиҳаларига доир фаолиятини кучайтирсинлар, бунда улар томонидан қонунларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тизимли ва ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек, ушбу жараёнда фаол иштирок этганлик учун ходимларини рағбатлантириш чораларини назарда тутсинлар;

ўзлари қабул қилган меъёрий ҳужжатларни ушбу буйруққа мувофиқлаштирсинлар.

3. Ушбу буйруқ талабларининг бажарилиши учун шахсий масъулият ташкилот ва муассасаларнинг биринчи раҳбарлари зиммасига юклатилсин.

4. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Ўзбекистон Республикаси*
*халқ таълими вазирининг*
*2016 йил 18 октябрдаги*
*249-сон буйруғига*
*ИЛОВА*

## Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг қонун лойиҳаларига доир фаолияти РЕГЛАМЕНТИ

Ушбу Регламент Ўзбекистон Республикаси Халк таълими вазирлиги (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) ва унинг тизимидаги Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Жиззах, Навоий, Нукус ва Қўқон давлат педагогика институтлари, ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари, республика бўйсунувидаги ташкилот ва муассасаларда (бундан буён матнда ҳудудий бўлинмалар деб юритилади) қонун лойиҳаларига доир фаолиятни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Қуйидагилар қонун лойиҳаларига доир фаолиятнинг асосий босқичлари ҳисобланади:

қонун лойиҳаларига доир фаолиятни режалаштириш;

қонун лойиҳаларини тайёрлаш, келишиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

конун лойиҳаларининг жамоатчилик ва мутахассислар муҳокамаси;

бошқа органлар томонидан тайёрланадиган қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама қилишда қатнашиш;

қонун лойиҳалари ва қонунларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида кўриб чиқишда иштирок этиш.

2. Қонун лойиҳаларини тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқларига мувофиқ амалга оширилади.

3. Қонун лойиҳаларини тайёрлаш халқ таълими тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳисобга олинган ҳолда Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан уларнинг ваколатларига мувофиқ ўз ташаббуслари билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

4. Вазирликнинг қонун лойиҳаларига доир фаолиятини ташкил этиш ва ушбу иш устидан назорат қилиш бевосига Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири (бундан буён матнда вазир деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

## 2-боб. Вазирликнинг қонун лойиҳаларига доир фаолиятини режалаштириш

5. Вазирлик қонун лойиҳаларига доир фаолиятни режалаштириш мақсадида қонун лойиҳаларини тайёрлашнинг жорий (келгуси йилга), зарурият бўлганда эса – истиқболли (бир йилдан ортиқ муддатга) режасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

6. Режани ишлаб чиқиш Вазирликнинг таркибий, шу жумладан ҳудудий бўлинмалари (бундан буён матнда Вазирлик бўлинмаси деб юритилади) таклифлари асосида Вазирликнинг юридик хизмати (бундан буён матнда юридик хизмат деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

7. Юридик хизмат ҳар йили 1 июлгача жорий ёки истиқболли режани шакллантириш учун таклифлар киритиш бўйича вазирнинг топшириғини тайёрлайди.

8. Вазир топшириғи асосида Вазирлик бўлинмаси жорий йилнинг 1 августигача таклифларни тайёрлайди ва юридик хизматга киритади.

9. Таклифлар:

қонун лойиҳасининг ишчи номини;

қонун лойиҳаси қабул қилиниши зарурлигини асослаш ва кутилаётган натижаларни;

қонун лойиҳасида тартибга солиш таклиф этилаётган масалаларни қонунчилик йўли билан тартибга солинганлик ҳолати тўғрисидаги таҳлилий маълумотномани;

қонун лойиҳаси предметига тегишли бўлган муносабатларни, ҳуқуқий тартибга солиш бўйича халқаро ҳужжатларни ва хорижий мамлакатларнинг қонунчилигини ўрганиш якунлари бўйича таҳлилий маълумотномани (мавжуд бўлганда);

тайёрланаётган қонун лойиҳасида тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатлар ваколатига тегишли бўлган ва қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича асосий ижрочи ҳисобланган Вазирлик бўлинмасининг (бундан буён матнда асосий ижрочи деб юритилади),

шунингдек, қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича ҳамижрочилар сифатида белгиланадиган Вазирликнинг бошқа бўлинмаларининг (бундан буён матнда ҳамижрочи бўлинмалар деб юритилади) номини;

қонун лойиҳаси тайёрланиши учун масъул бўлган органлар ва бошқа ташкилотларнинг рўйхатини;

Қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш муддатини ўз ичига олган бўлиши керак.

10. Юридик хизмат тақдим этилган таклифларни уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги, асосланганлиги юзасидан ўрганиб чиқади, шунингдек, қонун лойиҳаси қабул қилинишининг ҳуқуқий ва бошқа оқибатларини ўрганади.

11. Агар таклифлар ушбу Регламентнинг 9-банди талабларига риоя қилинмаган ҳолда тақдим этилса, юридик хизмат уларни қайта ишлаш учун қайтариш ҳуқуқига эга.

12. Юридик хизмат келиб тушган таклифларни умумлаштиради ва жорий йилнинг 20 августигача бўлган муддатда уларни кўриб чиқиш учун жорий ёки истиқболли режанинг лойиҳаси шаклида вазирга киритади.

13. Жорий ёки истиқболли режанинг лойиҳасида:

қонун лойиҳасининг ишчи номи;

қонун лойиҳасини қабул қилишнинг зарурлигини асослаш ва кутилаётган натижалар;

асосий ижрочи ва ҳамижрочи бўлинма;

қонун лойиҳасининг жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамасидан ўтказиш санаси (зарурият бўлганда);

қонун лойиҳасини тайёрлаш, келишиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш муддати назарда тутилади.

14. Вазир жорий ёки истиқболли режанинг лойиҳасини кўриб чиқиб ҳамда унга киритилган қонун лойиҳаларининг зарурлигини, асосланганлигини, таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлигини ўргатиб чиқиб, жорий йилнинг 1 сентябригача бўлган муддатда уни тасдиқлайди.

Зарурият бўлганда, вазир Вазирлик бўлинмасига таклифларни қўшимча равишда ишлаб чиқишни, юридик хизматга эса жорий ёки истиқболли режа лойиҳасини қайта ишлаши топширади.

15. Тасдиқланган режа бир иш куни мобайнида ижро этиш учун Вазирликнинг тегишли бўлинмаларига юборилади.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августдаги 227-сон қарори билан тасдиқланган Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш бўйича

дастурларини тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторинги тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ қонун лойиҳаларини келгуси йилга Ҳукуматнинг қонун лойиҳалари ишлари дастурига киритиш бўйича таклифлар тақдим этиш вазир томонидан тасдиқланган режа асосида юридик хизмат томонидан амалга оширилади.

## 3-боб. Қонун лойиҳаларини тайёрлаш, келишиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш

17. Ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича асосий ижрочи томонидан уни тайёрлашнинг режа-графиги тузилади. Режа-график, агар қонун лойиҳасини тайёрлаш тўғрисидаги топшириқда ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, вазир томонидан тасдиқланади.

Режа-графикни ижро этишнинг бориши мониторинги юридик хизмат томонидан амалга оширилади ва мониторинг натижалари ҳар ойда муҳокама қилиш учун вазирга киритилади.

18. Асосий ижрочи юридик хизматга қонун лойиҳаси тайёрланишининг бориши тўғрисида ахборот беради, зарурият бўлганда эса, вазирнинг розилиги билан тайёрлаш давомида пайдо бўладиган ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш учун юридик хизматни жалб этади.

Ҳамижрочи бўлинма асосий ижрочининг сўрови бўйича қонун лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган ахборот-таҳлили материалларини ва бошқа материалларни тақдим этади, зарурият бўлган тақдирда эса, қонун лойиҳасини тайёрлашда иштирок этади.

19. Қонун лойиҳаларини тайёрлаш учун, қоидага кўра, ишчи гуруҳлар (комиссиялар) ташкил этилади. Ишчи гуруҳларни (комиссияларни) ташкил этиш тўғрисидаги қарор уларнинг шахсий таркиби кўрсатилган ҳолда вазир томонидан қабул қилинади.

Ишчи гуруҳлар (комиссиялар) таркибига асосий ижрочининг, ҳамижрочи бўлинмаларнинг ходимлари киритилади, зарурият бўлганда эса, (келишув бўйича) тегишли тармоқларнинг ҳолати ва ривожланиши учун жавоб берувчи вазирликлар ва идораларнинг, бошқа манфаатдор давлат органлари, илмий ташкилотлар ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек фуқаролар киритилиши мумкин.

20. Асосий ижрочи ҳамижрочи бўлинмаларнинг қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишини мувофиқлаштиради, манфаатдор органлар ва бошқа ташкилотларнинг вакилларини ушбу ишга жалб этади, қонун лойиҳаси манфаатдор органлар ва бошқа ташкилотлар билан келишилишини ва қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлайди.

21. Қонун лойиҳаси мазкур Регламентнинг иловасига мувофиқ **Қонун лойиҳаси концепциясига, қонун лойиҳасига илова қилинадиган тушунтириш хати, таҳлилий ва ахборот материалларига қўйиладиган асосий талабларга** қатъий риоя қилган ҳолда ишлаб чиқилади.

22. Қонун лойиҳасини тайёрлаш унинг концепциясини ишлаб чиқишдан бошланади.

23. Асосий ижрочи ёки ишчи гуруҳ (комиссия) зарур материаллар ва ахборотни тўплайди, зарур ўрганишларни амалга оширади, уларнинг натижалари бўйича концепцияни тайёрлайди, зарурият бўлганда эса, шунингдек, маълумотномалар, жадваллар, диаграммалар ва бошқа ахборот-таҳлилий материалларни ҳам тайёрлайди.

24. Концепция қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга жавоб бериши керак.

25. Тайёрланган концепция, агар қонун лойиҳасини тайёрлаш тўғрисидаги топшириқда ўзгача ҳол назарда туғилмаган бўлса, вазир томонидан тасдиқланади.

26. Тасдиқланган концепция асосида қонун лойиҳаси тузилади (тайёрланади).

27. Қонун лойиҳасини тайёрлашда асосий ижрочи ёки ишчи гуруҳ (комиссия):

қонун ҳужжатларининг ҳолатини, лойиҳани тартибга солиш предмети бўйича қўлланиш амалиётини ўрганади;

ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган бўшлиқлар ва зиддиятларни, шунингдек, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга бўлган ижтимоий эҳтиёжни, қонун ҳужжатларининг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи сабаблар ва шароитларни аниқлайди;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шунингдек, айрим фуқароларнинг таклифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ва мутахассисларнинг маслаҳатлари ва тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштиради ҳамда улардан фойдаланади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2015 йил 15 сентябрдаги 220-III/ҚҚ-41-III-сон қўшма қарори билан тасдиқланган Қонун лойиҳаси тайёрланаётганда халқаро ҳужжатлар ва хорижий мамлакатлар қонун ҳужжатлари қоидаларининг қиёсий таҳлилини ўтказиш услубиётига мувофиқ

халқаро ҳужжатлар ва хорижий мамлакатлар қонун ҳужжатлари қоидаларини қиёсий таҳлил қилади.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш бўлажак қонуннинг амалиётда ишлаши самарадорлигини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилишга асосланиши лозим.

28. Қонун лойиҳалари “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги, “Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига жавоб бериши лозим.

29. Қонун лойиҳаларини тайёрлашда:

қонун лойиҳасидаги мавжуд нормаларнинг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлашга, қонун ҳужжатларининг тизимлилигига ва кодификациялашга;

бўлажак қонунни амалга оширишнинг аниқ механизмларини, шу жумладан маъмурий-ҳуқуқий ва суд-ҳуқуқий механизмларини белгилашга алоҳида эътибор бериш зарур.

30. Қонун лойиҳаларини юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги 237-II/150-II-сон қўшма қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиладиган қонун лойиҳаларини ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига тақдим этилган қонунларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

31. Агар тайёрланадиган қонун лойиҳаси бошқа қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд уларни (тўлиқ ёки қисман) ўз кучини йўқотган деб топишни талаб этса, ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек, ўз кучини йўқотган деб топиш бўйича таклифлар тайёрланадиган қонун лойиҳасига киритилади.

Ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ёки ўз кучини йўқотган деб топиш керак бўлган қонунлар ёки уларнинг қисмлари катта ҳажмда бўлганда, улар қонун лойиҳаси билан бир вақтда алоҳида қонун лойиҳаси кўринишида такдим этилади. Бунда унга тушунтиришлар билан ҳужжат матнининг амалдаги ва таклиф этилаётган таҳрирининг тегишли қиёсий жадваллари илова қилинади.

32. Асосий ижрочи ёки ишчи гуруҳ (комиссия) қонун лойиҳаси тайёрлангандан кейин уни Вазирликнинг ҳамижрочи бўлинмасига келишишга (виза қўйишга) юборади.

Барча ҳамижрочи бўлинмаларнинг раҳбарлари томонидан белгиланган тартибда келишилган (виза қўйилган) қонун лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун юридик хизматга тақдим этилади.

33. Қонун ҳужжатларига, қонунчилик техникаси қоидаларига ва қонун лойиҳаларига қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ бўлган тақдирда, юридик хизмат раҳбари қонун лойиҳасига виза қўяди. Виза қўйиш қонун лойиҳасининг ҳар бир варағининг орқа томонига имзо қўйиш орқали амалга оширилади.

Қонун лойиҳасига виза қўйиш билан бир вақтда юридик хизмат ҳуқуқий хулоса тайёрлайди.

34. Юридик хизматнинг ҳуқуқий хулосасида:

қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича топшириқ берилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, юқори турувчи органнинг топшириқлари (топшириқ бўлган тақдирда) тўғрисидаги маълумотлар;

қонун лойиҳасининг ҳуқуқий табиати тушунтирилган ҳолда унинг асосий қоидаларининг моҳияти ва аҳамиятининг қисқача баёни;

қонун лойиҳасининг қонун ҳужжатларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек, қонун лойиҳасининг ҳар бир ҳаволаки нормасини қўллашнинг асосланганлиги ва мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулоса акс эттирилади.

Ҳуқуқий хулоса юридик хизматнинг раҳбари томонидан имзоланади.

35. Қонун лойиҳаси қонун ҳужжатларига ва қонунчилик техникаси қоидаларига, қонун лойиҳаларига кўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, юридик хизмат қонун лойиҳасини тегишли эътироз ва таклифлар билан биргаликда қайта ишлаш учун асосий ижрочига қайтаради.

36. Юридик хизматнинг ҳуқуқий хулосаси олингандан кейин асосий ижрочи вазирга қонун лойиҳасини келишиш учун манфаатдор органларга ва бошқа ташкилотларга юбориш мумкинлиги тўғрисида ахборот беради.

Вазир қонун лойиҳасини кўриб чиқиб, қонун лойиҳасини қайта ишлаш ёхуд қонун лойиҳасини манфаатдор органларга ва бошқа ташкилотларга келишиш учун юбориш тўғрисида қарор қабул қилади.

37. Асосий ижрочи қонун лойиҳаси келишиш учун манфаатдор органларга ва бошқа ташкилотларга юборилишини ташкил этади. Қонун лойиҳасини манфаатдор органлар ва бошқа ташкилотлар билан келишиш Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти деб юритилади) мувофиқ амалга оширилади.

38. Қонун лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига киритишда юридик хизматнинг ҳуқуқий хулосаси унга мажбурий тартибда илова қилинади.

39. Қонун лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги, “Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## 4-боб. Қонун лойиҳаларининг жамоатчилик ва мутахассислар муҳокамаси

40. Қонун лойиҳаси манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан келишилгунига қадар жамоатчилик ва (ёки) мутахассислар муҳокамасига киритилиши мумкин.

41. Қонун лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамаси семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказиш, қонун лойиҳалари матнларини ва уларга таҳлилий материалларни Вазирликнинг расмий веб-сайтида жойлаштириш йўли билан, шунингдек, бошқа усуллар билан манфаатдор давлат органлари, илмий, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, олимлар ва мутахассислар, экспертлар иштирокида ўтказилади.

Қонун лойиҳасининг мутахассислар муҳокамаси тармоқнинг тегишли мутахассислари иштирокида ўтказилади.

42. Қонун лойиҳаларининг жамоатчилик ва мутахассислар муҳокамаси ташкил этилишини таъминлаш вазир зиммасига юкланади.

43. Қонун лойиҳасининг жамоатчилик ва мутахассислар муҳокамаси иштирокчилари ишлаб чиқувчи томонидан унинг матни билан олдиндан таништирилиши лозим.

44. Жамоатчилик муҳокамасининг олдин ўтказилган усули қонун лойиҳасининг кенг, амалий жамоатчилик муҳокамасини таъминламаган тақдирда вазир жамоатчилик муҳокамасини бошқа усулда ўтказиш чораларини кўради.

45. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга таъсир кўрсатувчи қонун лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон қарори билан тасдиқланган тартибда уларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини муҳокама қилиш ва баҳолаш учун Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталида ҳам жойлаштирилиши лозим.

46. Жамоатчилик ва мутахассислар муҳокама давомида билдирилган таклифлар ва эътирозлар асосий ижрочи ёки ишчи гуруҳ (комиссия) томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Ҳисобга олинмаган таклифлар ва эътирозлар бўйича тегишли тушунтиришлар берган ҳолда маълумотнома тузилади.

47. Қонун лойиҳасининг ўтказилган жамоатчилик ва (ёки) мутахассислар муҳокамаси ва унинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар тушунтириш хатида акс эттирилиши лозим.

## 5-боб. Вазирликнинг бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ишлаб чиқиладиган қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама қилишда иштирок этиши

48. Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари вакилларининг бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари (бундан буён матнда органлар деб юритилади) томонидан ишлаб чиқиладиган қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама қилиш бўйича ишчи гуруҳлар (комиссиялар) фаолиятидаги иштироки вазир ёки вазир ўринбосарларининг розилиги билан амалга оширилади.

49. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасида белгиланган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларидан ҳамда бошқа органлар ва ташкилотлардан келишиш учун Вазирликка қонун лойиҳаси келиб тушган тақдирда, тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатлар унинг ваколатига кирадиган Вазирлик бўлинмаси қонун лойиҳасини келишиш бўйича асосий ижрочи ҳисобланади.

Келишиш учун Вазирликка келиб тушадиган қонун лойиҳалари бўйича юридик хизмат хамижрочи этиб белгиланади ва унинг ҳуқуқий экспертизасини таъминлайди.

50. Асосий ижрочи бошқа органдан келиб тушган қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига мувофиқ келишилишини таъминлайди.

51. Бошқа органлар томонидан ишлаб чиқиладиган қонун лойиҳасини кўриб чиқиш ва келишишда Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига қатъий риоя қилиниши лозим.

52. Қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги таклифлар қонун лойиҳалари кўринишида расмийлаштирилмаган ҳолда келиб тушганда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатида ёки топшириғида ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва фармойишида ёки топшириғида уларни кўриб

чиқишнинг бошқа муддатлари белгиланмаган бўлса, улар Вазирликда ҳужжатларни ижро этишнинг умумий тартибига мувофиқ бир ой муддатда кўриб чиқилади.

## 6-боб. Вазирлик раҳбарлари ва ходимларининг қонун лойиҳалари ва қонунларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида кўриб чиқишда иштирок этувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг вакиллари таркибида иштирок этиши

53. Вазирлик қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритишда бир вақтнинг ўзида қонун лойиҳалари ва қонунларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарида кўриб чиқишда қатнашувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси вакилларининг таркибини шакллантириш учун Вазирликнинг раҳбарлари ва ходимлари орасидан номзод(лар)ни тақдим этади.

54. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси вакилларининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг қарори билан тасдиқланади.

55. Қонун лойиҳалари ва қонунларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси вакилларининг иштироки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2015 йил 15 сентябрдаги 220-III/КҚ-41-II-сон қўшма қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Қонун лойиҳаси кўриб чиқилаётганда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти вакилларининг иштирок этиши тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

*Ўзбекистон Республикаси*
*Халқ таълими вазирлигининг*
*қонун лойиҳаларига доир*
*фаолияти регламентига*
*ИЛОВА*

## Қонун лойиҳаси концепциясига, қонун лойиҳасига илова қилинадиган тушунтириш хати, таҳлилий ва ахборот материалларига қўйиладиган АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

### 1- боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Асосий талаблар "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги, "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига мувофиқ қонун лойиҳаси концепциясини, қонун лойиҳасига илова қилинадиган тушунтириш хати, таҳлилий ва ахборот материалларини тайёрлашда риоя этилиши мажбурий бўлган талабларни белгилайди ҳамда давлат органида қонун лойиҳаларига доир фаолиятни методологик таъминлашни такомиллаштиришга йўналтирилган.

2. Асосий талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган қонун лойиҳаларини тайёрлашда мажбурий ҳисобланади.

### 2- боб. Қонун лойиҳаси концепциясига қўйиладиган асосий талаблар

3. Қонун лойиҳасини тайёрлаш унинг концепциясини ишлаб чиқишдан бошланади.

Қонун лойиҳаси концепцияси (бундан буён матнда концепция деб юритилади) давлат органи ёки ишчи гуруҳлар (комиссиялар) (бундан буён матнда ишлаб чиқувчи деб юритилади) томонидан тайёрланади.

Концепцияни тайёрлашга илмий-тадқиқот ташкилотлари, тегишли билим ва малакага эга бўлган мутахассис ва экспертлар, шу жумладан хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлардан, шунингдек, фуқаролар жалб этилиши мумкин.

4. Концепцияда қуйидагилар белгиланиши керак:

ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг асосий ғояси, мақсади ва предмети;

тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг мазкур соҳада амалда бўлган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили илова қилинган ҳолдаги умумий тавсифи ва ҳолатига берилган баҳо;

қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурияти асослари;

**қонун лойиҳасининг асосий қоидалари;**

бўлажак қонуннинг социал-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа оқибатлари тахмини.

5. Ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг асосий ғояси, мақсади ва предметини белгилашда концепцияда қонун лойиҳасининг мазмуни, у эришишга йўналтирилган асосий вазифалар ва мақсадлар, у тартибга солиши керак бўлган ижтимоий муносабатлар очиб берилади, шунингдек, унинг амал қилиши татбиқ этиладиган қўллаш соҳаси, ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ваколатлари (ҳуқуқ ва мажбуриятлари) баён қилинади.

6. Тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг умумий тавсифида ва унинг ҳолатини баҳолашда ушбу соҳада амал қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳолати акс эттирилади, хусусан:

тегишли соҳада ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари;

қонун ҳужжатларидаги бўшлиқлар ва зиддиятлар, эскирган, амалда ўз аҳамиятини йўқотган, самарасиз ёхуд амалга ошириш механизмига эга бўлмаган қоидаларнинг мавжудлиги;

ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг мавжуд камчиликларини бартараф этишнинг оқилона ва энг самарали усуллари;

халқаро ҳуқуқнинг умумий эътироф этилган принциплари ва нормалари, шунингдек, хорижий мамлакатларда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тажрибаси;

статистика, жамиятшунослик, сиёсатшунослик, шунингдек, бошқа илмий тадқиқотлар ўтказиш натижалари;

бўлажак қонунни амалга ошириш учун қабул қилиниши зарур бўлган қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати кўрсатилади.

7. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш заруриятининг асосларида қонунни қабул қилиш зарурлигидан далолат берувчи далиллар баён қилинади.

Баён қилинадиган далиллар аниқ, асосланган бўлиши ва муаммонинг амалдаги қонун ҳужжатларининг такомиллашмаганлиги би-

лан сабаб-оқибат алоқаси белгиланиши керак. Шунингдек, қонун лойиҳаси тегишли бўлган қонун ҳужжатлари тармоғи, у амалга оширишга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари қоидалари, шунингдек, ҳуқуқий тизим учун унинг, аҳамияти кўрсатилади.

8. Қонун лойиҳасининг асосий қоидаларида бўлажак қонунда белгиланадиган қоидалар, қисқа мазмуни билан биргаликда унинг намунавий тузилмаси, имконият бўлганда бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар, параграфлар ва моддалар баён қилинади.

9. Бўлажак қонуннинг социал-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа оқибатлари тахмини тахмин қилинаётган оқибатлар ва уни амалга оширишнинг кутилаётган пировард натижалари тавсифини ўз ичига олади. Бунда бўлажак қонун амалга оширилишининг нафақат ижобий, балки бўлиши мумкин бўлган салбий оқибатлари ҳисобга олиниши керак. Бўлажак қонуннинг ҳуқуқий оқибатларини прогнозлаштиришда, зарурият бўлганда, унинг ижро этилишини таъминлайдиган маъмурий-ҳуқуқий, суд-ҳуқуқий механизмлар ҳам ҳисобга олинади.

10. Ишлаб чиқувчи концепцияда бошқа зарур маълумотларни ҳам кўрсатиши мумкин.

11. Тайёрланган концепция, агар қонун лойиҳасини тайёрлаш тўғрисидаги топшириқда ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, ишлаб чиқувчининг раҳбари томонидан тасдиқланади, шундан кейин қонун лойиҳасининг бевосита матни тайёрланади.

12. Зарурият бўлганда, концепция юқори турувчи органлар билан олдиндан келишилиши мумкин.

### 3-боб. Қонун лойиҳасига тушунтириш хатига қўйиладиган асосий талаблар

13. Қонун лойиҳасига тушунтириш хати (бундан буён матнда тушунтириш хати деб юритилади) ишлаб чиқувчи томонидан қонун лойиҳаси матни тайёрлангандан кейин тайёрланади.

14. Тушунтириш хатида қуйидагилар бўлиши керак:

қонун лойиҳасини тайёрлаш учун асос ва уни қабул қилиш зарурлигини асослаш, шу жумладан қонун лойиҳаси тайёрлаш топширилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек юқори турувчи органнинг топшириқлари (топшириқ мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар;

қонун лойиҳасини ишлаб чиқувчининг тўлиқ номи;

мақсадлар ва вазифалар, шунингдек, қонун лойиҳаси билан белгиланадиган асосий қоидалар, уларни қисқача асослаш. Бунда қонун лойиҳасининг эришишга йўналтирилган асосий мақсадлари

белгиланади, уларнинг воситасида аниқ мақсадларга эришиш мумкин бўлган қонун лойиҳасининг алоҳида қоидалари қисқача кўрсатилади;

қонунни қабул қилишдан кутилаётган натижалар. Бунда қонун қабул қилиниши муносабати билан ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда юз бериши мумкин бўлган ижобий ўзгаришлар келтирилади. Кутилаётган натижалар микдорий кўрсаткичлар кўрсатилган ҳолда баён қилиниши ҳам мумкин;

қонун лойиҳаси предметига тегишли бўлган халқаро ҳужжатлар ва хорижий мамлакатлар қонунчилигининг принциплари, қоидалари ва жумлалари тўғрисидаги маълумотлар. Тегишли соҳада ижобий хорижий тажриба мавжуд бўлган тақдирда тушунтириш хатида давлат, қонун лойиҳасини тайёрлашда ҳисобга олинган норма назарда тутилган ҳужжатнинг тури, номи ва қисқача мазмуни кўрсатилиши мумкин;

қонун лойиҳаси мазмунининг тавсифи, унда қонун лойиҳасининг бўлимлари, кичик бўлимлари, боблари, параграфлари ва моддалари билан биргаликда унинг тузилиши қисқача баён қилинади. Зарурият бўлганда қонун лойиҳасининг энг муҳим қисмини ташкил этувчи қоидаларнинг асосий моҳияти очиб берилади;

қонун қабул қилиниши муносабати билан бошқа қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд уларни ўз кучини йўқотган деб топиш зарурияти мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотлар;

қонун лойиҳасида фойдаланиладиган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳаволанинг ҳар бирини асослаш. Бунда унга ҳавола қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат нормасининг мазмуни қисқача очиб берилади;

агар бўлажак қонуннинг қоидаларини амалга ошириш қўшимча молиявий харажатларни талаб этса ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети йўқотишларига олиб келса – қисқача молиявий-иқтисодий асослаш. Агар бўлажак қонуннинг қоидаларини амалга ошириш кўрсатиб ўтилган харажатларни талаб этмаса ёки йўқотишларга олиб келмаса, у ҳолда бу ҳақида тушунтириш хатида тегишли маълумот келтирилади;

қонун лойиҳаси жамоатчилик ва (ёки) мутахассислар муҳокамасининг ўтказилганлиги ва унинг натижалари тўғрисидаги ахборот, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон қарори билан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари яго-

на порталида лойиҳани муҳокама қилиш натижалари тўғрисидаги ахборот;

қонун лойиҳасини манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишиш тўғрисидаги маълумотлар. Бунда қонун лойиҳаси келишилган (виза қўйилган) манфаатдор вазирликлар ва идоралар санаб ўтилади;

қонун лойиҳаси бўйича келишмовчиликлар мазмунининг қисқача баёни ва улар тўғрисидаги асослантирилган фикр (келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда).

15. Тушунтириш хатида қонун лойиҳасини асослаш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

16. Тушунтириш хати ишлаб чиқувчининг раҳбари томонидан имзоланади.

## 4-боб. Қонун лойиҳасига илова қилинадиган таҳлилий ва ахборот материаллари

17. Тайёрланган қонун лойиҳасига тушунтириш хатидан ташқари қуйидагилар илова қилинади:

халқаро ҳужжатларнинг ва хорижий мамлакатлар қонун ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тегишли қоидаларини, тегишли халқаро тажрибани Ўзбекистон Республикаси шароитларида қўллаш мақбуллиги тўғрисидаги асосли таклифларни кетма-кетлик тартибида кўрсатилган ҳолда таҳлилий-қиёсий жадвал;

қонун лойиҳаси қабул қилиниши муносабати билан қабул қилиниши, ўзгартирилиши ёки қўшимчалар киритилиши, ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим бўлган қонуности ҳужжатлари рўйхати. Бунда қонуности ҳужжатини қабул қилиш, ўзгартириш ёки унга қўшимчалар киритиш учун асослар ва улар қабул қилиниши, ўзгартирилиши ёки уларга қўшимчалар киритилиши учун масъул бўлган органлар қисқача кўрсатилади;

агар қонун лойиҳаси билан бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш назарда тутилаётган бўлса, қиёсий жадвал;

агар қонун лойиҳаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар томонидан эътироз ва таклифлар билан келишилган (виза қўйилган) бўлса, келишмовчиликлар жадвали ва уларнинг эътироз ва таклифлари баён қилинган хатларининг нусхалари;

агар бўлажак қонуннинг қоидаларини амалга ошириш қўшимча молиявий харажатларни талаб этса ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети йўқотишларига олиб келса – молиявий-иқтисодий асослаш. Молиявий-иқтисодий асослашда молиявий хара-

жатларнинг ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг йўқотишларининг дастлабки суммаси, шу жумладан қонун лойиҳаси амалга оширилиши муносабати билан олинмай қолинадиган даромадлар, молиявий харжатларнинг мақсадлари ва уни олувчилар, шунингдек, бошқа молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар кўрсатилади;

қонун лойиҳасини тайёрлаш ва келишишнинг хронологияси тўғрисидаги маълумотнома.

18. Қонун лойиҳасига бошқа таҳлилий ва ахборот материаллари ҳам илова қилиниши мумкин.

19. Қонун лойиҳасига илова қилинадиган таҳлилий ва ахборот материаллари ишлаб чиқувчининг раҳбари томонидан имзоланиши шарт.

## 5-боб. Якунловчи қоидалар

20. Қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда ва Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган тартибда амалга оширилади.

21. Қонун лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритишда қонун лойиҳасининг матни ва унга илова қилинадиган материаллар мажбурий тартибда электрон шаклда такдим этилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2016 йил 29 октябрь* *260-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2016 ЙИЛ 27 ОКТЯБРДАГИ 366-СОНЛИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 октябрдаги “Вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманлари ҳокимларининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонун талабларини сўзсиз бажариш юзасидан жавобгарлиги тўғрисида”ги 366-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 октябрдаги 366-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини сўзсиз ва ўз вақтида бажариш Халқ таълими вазирлиги ва халқ таълими тизимидаги ташкилот ва муассасаларнинг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг электрон қабулхонаси орқали келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома 1-иловага, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг электрон қабулхонаси орқали Халқ таълими вазирлигига келиб тушадиган мурожаатларни кўриб чиқиш схемаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Назорат ва таҳлил бошқармаси (К.Иноқов) бир кун муддатда мазкур буйруқ ва унинг иловалари билан тасдиқланган Йўриқнома

ва схемани Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халк таълими бошқармаларига етказилишини таъминласин.

5. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш Бош бошқармаси (М.Юлдашев), Кадрлар бошқармаси (Б.Шамсиев) ва Бош юрисконсульт (С.Миразимов) уч кун муддатда фуқаро Ф.Ҳакимованинг Тошкент шаҳар 111-сон мактабгача таълим муассасасидан асоссиз ишдан бўшатилганлиги, унинг ўрнига сохта дипломга эга бўлган Ш.Жабборова ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги мурожаатини кўриб чиқишда унинг дипломи қалбакилиги тўғрисидаги важига ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилмаганлиги ҳамда етказилган зарарни ундириш чоралари кўрилмаганлиги ҳолати юзасидан хизмат текшируви ўтказсин ва натижаси юзасидан раҳбариятга ахборот киритсин.

6. Вазирлик девонхонаси (Х.Султонова)га:

келиб тушган мурожаатни ўрганиб чиқиб, рўйхатга олиш, вазирликнинг тегишли бошқарма ва бўлимларига ҳамда тегишли ҳудудий халқ таълими бошқармаларига муддатини белгилаб ижрога йўналтириш ва назоратга олиш;

мурожаат тегишли ҳудудий халқ таълими бошқармаларига юборилганлиги тўғрисида мурожаат этувчини ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилинишини назоратга олиш;

мурожаат натижаси бўйича жавоб хатини Вазирлар Маҳкамаси Ишчи гуруҳига ва мурожаат этувчига ёзма ёки электрон (далолатнома) шаклда юбориш;

қўшимча ўрганиш ва текшириш талаб этилган ҳолларда, мурожаат этувчини хабардор қилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси Ишчи гуруҳига мурожаат муддатини узайтириш юзасидан тизим орқали сўров жўнатиш;

мурожаатларни масалалар ва ҳудудий бошқармалар кесимида таҳлили ва назоратини юритиш бўйича электрон базани шакллантириш;

таҳлилий маълумотларни шакллантириб, вазирлик Ҳайъат ва ишлаб чиқариш йиғилишлари муҳокамасига киритиш вазифалари юклатилсин.

7. Таълим стандартларини такомиллаштириш ва илғор педагогик технологияларни жорий этиш бўлими бошлиғи (М.Ваҳобов), Назорат ва таҳлил бошқармаси (К.Иноқов) фуқаролар томонидан давлат хизматларидан фойдаланишни осонлаштириш мақсадида мурожаатлар статистикасининг таҳлили асосида тегишли давлат хизматларини интерактив кўринишга ўтказиш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин.

8. Вазирликнинг барча бошқарма ва бўлим бошлиқларига:

мурожаатни бевосита кўриб чиқиш ёки тегишлилиги бўйича ҳудудий бошқармалар, ташкилотларга мурожаат этувчини хабардор қилган ҳолда (ёзма ёки электрон шаклда) раҳбарият резолюцияси билан ижрога юбориш ва назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг электрон қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатларни белгиланган муддатларда кўриб чиқиш ва мурожаат этувчига асосланган жавоб берилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

9. Вазирлик ахборот хизмати (Б.Шайвалиев) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг электрон қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этилиш ҳолатини ҳамда ҳудудий бошқармалар томонидан ташкил этилган сайёр қабулларни тасарруфдаги газета ва журналлар орқали ёритиш чораларини кўрсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг электрон қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатлар билан ишлашда мазкур буйруқнинг иловаларига қатъий риоя қилиш;

мурожаатларни белгиланган муддатларда кўриб чиқиш ва мурожаат этувчига асосланган жавоб берилишини таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан мурожаатларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг электрон қабулхонасигача олиб чиқмаслик мақсадида жойларда сайёр қабулларни ташкил этиш ҳамда ўзларининг веб-сайтлари орқали мурожаат қилиш тизимини тубдан яхшилаш вазифалари юклатилсин.

11. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг 2016 йил*
*29 октябрдаги 260-сонли буйруғига*
*1-илова*

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазириниг электрон қабулхонаси орқали келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги марказий аппаратида ҳамда вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг электрон қабулхонаси орқали келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартибини белгилайди.

**Умумий қоида**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг электрон қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва ушбу Йўриқномада белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

**Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби**

2. Электрон қабулхонага келиб тушган мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва ижрога йўналтириш, шунингдек, унинг кўриб чиқилишини назорат қилиш вазирлик ва Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларидаги виртуал қабулхона тизимидан фойдаланишга масъул ходим ҳамда ижро интизомига масъул ходимлар томонидан амалга оширилади.

3. Электрон қабулхонага келиб тушган мурожаатларни бир иш кунидан кечиктирмасдан ўрганиб чиқиб, рўйхатга киритилади, тегишли бошқарма муддатини белгилаб, ижрога юборилади ва назоратга олинади.

4. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари қонунда белгиланган тартибда 15 кундан кечиктирмасдан ижроси таъминлади

5. Мурожаатларни тегишлилиги бўйича юборилганлиги тўғрисида мурожаат этувчига 5 кундан кечиктирмасдан ёзма ёки электрон шаклда хабар қилинади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари томонидан кўриб чиқилиши керак бўлган мурожаатлар унга келиб тушган кунидан бошлаб беш кун муддатдан кечиктирмай хат билан бошқарма раҳбари (ёхуд ўринбосари) томонидан имзоланган ҳолда юборилиши, бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма шаклда хабар берилиши керак.

7. Вилоят халқ таълими бошқармалари ва туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари қошида мурожаатларни имкон қадар қисқа муддатларда атрофлича ўрганиб чиқувчи гуруҳ ташкил этилади (гуруҳга тажрибали мутахассис ва тизим фахрийлари жалб этилиши мумкин).

Мурожаатларни қисқа муддатларда атрофлича ўрганиб чиқувчи гуруҳнинг вазифалари этиб қуйидагилар белгиланади:

мурожаатда келтирилган масалаларни мурожаат этувчи иштирокида ўрганиш;

мурожаатда кўтарилган масалаларни ҳал этиш;

мурожаатларнинг ўрганиш натижалари бўйича мурожаат этувчининг ёзма розилигини олиш;

бунда:

ўрганиш натижаларидан розиман (мурожаатим қаноатлантирилди);

қисман қониқдим (розиман, тушунтирилдим);

аризада кўтарилган масалалар ҳал этилса розиман (мурожаатим рад этилди);

мурожаат натижасидан қониқиш ҳосил қилгани бўйича оғзаки равишда эътироф этиб ёзма равишда ёзишни рад этса далолатнома тузилади.

8. Мурожаатда кўтарилган барча масалалар Қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилган ва мурожаат қилувчига тегишли жавоб юборилиб, жавоб хати билан таништирилганидан сўнг кўриб чиқилган ҳисобланади.

9. Мурожаатни назоратдан олиш учун асосли тўпланган ҳужжатлар жамланиб сканер қилинади ҳамда келиб тушган мурожаатлар остига бириктирилгандан сўнгра назоратдан олинади.

## Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари

10. Мурожаатлар қўшимча ўрганиш ва текширишни талаб этса мурожаат этувчини хабардор қилган ҳолда мурожаат муддатини узайтириш бўйича электрон қабулхона тизими орқали сўров жўнатилади.

### Мурожаатларни кўрмай қолдириш

11. Қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

аноним мурожаатлар;

12. Мурожаат аноним деб эътироф этилганда бу ҳақда хулоса тузилади. Хулосада мурожаатни аноним деб эътироф этиш учун асослар кўрсатилади. Мурожаатни аноним деб эътироф этиш тўғрисидаги хулоса мурожаатлар билан ишловчи бўлинма раҳбари ёки таркибий бўлинма раҳбари томонидан тасдиқланади.

13. Аноним деб эътироф этилган мурожаатлар хулоса тасдиқланган пайтдан бошлаб назоратдан ёки ижродан олинади.

### Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби бузилганлиги учун жавобгарлик

14. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилишига шахсан биринчи раҳбарлар масъул ҳисобланади.

15. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш ҳолатлари аниқланса белгиланган қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

*Халқ таълими вазирининг 2016 йил 29 октябрдаги 260-сон буйруғига 2-илова*

## Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг электрон қабулхонаси орқали Халқ таълими вазирлигига келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Муддатлар | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| 1-босқич | Халқ таълими вазирлиги | 1. Жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини қабул қилиш, мурожаатларни ўрганиб чиқиб, рўйхатга олиш, вазирликнинг тегишли бошқарма ва бўлимларига ҳамда тегишли ҳудудий халқ таълими бошқармаларига муддатини белгилаб ижрога йўналтириш ва назоратга олиш.<br>2. Мурожаат тегишли ҳудудий халқ таълими бошқармаларига юборилганлиги тўғрисида мурожаат этувчини ёзма ёхуд электрон шаклда хабардор қилиш.<br>3. Қўшимча ўрганиш ва текшириш талаб этилган ҳолларда, мурожаат этувчини хабардор қилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси Ишчи гуруҳига мурожаат муддатини узайтириш юзасидан электрон қабулхона тизими орқали сўров жўнатиш. | 1. Ўз ваколати доирасида кўриб чиқилганда 15 кунда кечиктирмасдан.<br>2. Беш кундан кечиктирмасдан.<br>3. Беш кундан кечиктирмасдан. | Назорат таҳлил бошқармаси, вазирлик девонхонаси |
| 2-босқич | Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари | 1. Жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини қабул қилиш, мурожаатларни ўрганиб чиқиб, рўйхатга олиш, бошқарманинг тегишли бўлимларига ҳамда тегишли ҳудудий халқ таълими бўлимларига муддатини белгилаб ижрога йўналтириш ва назоратга олиш.<br>2.Мурожаат тегишли ҳудудий халқ таълими бўлимларига юборилганлиги тўғрисида мурожаат этувчини ёзма ёхуд электрон шаклда хабардор қилиш.<br>3. Мурожаат натижаси бўйича жавоб хатини вазирликка ҳамда муаллифга ёзма ёхуд электрон (далолатнома) шаклда юбориш.<br>4.Қўшимча ўрганиш ва текшириш талаб этилган ҳолларда, мурожаат этувчини хабардор қилган ҳолда Халқ таълими вазирлигига мурожаат муддатини узайтириш юзасидан электрон қабулхона тизими орқали сўров жўнатиш. | 1. Ўз ваколати доирасида кўриб чиқилганда 15 кунда кечиктирмасдан.<br>2. Беш кундан кечиктирмасдан.<br>3. Белгиланган муддатда.<br>4. Беш кундан кечиктирмасдан. | Ҳудудий халқ таълими бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари мудирлари |
| 3-босқич | Халқ таълими вазирлиги | 1. Жавоб хати билан танишиб чиқиш ва назоратга олиш, зарурат бўлганда мурожаат этувчи билан телефон орқали боғланиб, мурожаатнинг қаноатлантирилганлигига аниқлик киритиш.<br>2. Мурожаат натижаси бўйича жавоб хатини Вазирлар Маҳкамаси Ишчи гуруҳига ва мурожаатчига ёзма ёхуд электрон (далолатнома) шаклда юбориш<br>3. Мурожаатчи жавоб хатидан қониқмаган ҳолда мурожаат қайта кўриб чиқиш учун вазирликнинг тегишли бошқарма ва бўлимларига ҳамда тегишли ҳудудий халқ таълими бошқармаларига қайтариш. | Бир иш кунидан кечиктирмасдан | Назорат таҳлил бошқармаси, вазирлик девонхонаси |
| 4-босқич | Халқ таълими вазирлиги | 1. Келиб тушган мурожаатларни рўйхатга олиш, масалалар кесимида таҳлили ва назоратини юритиш бўйича электрон базани шакллантириш.<br>2. Таҳлилий маълумотларни шакллантирган ҳолда, вазирликнинг ҳайъат ва ишлаб чиқариш йиғилишлари муҳокамасига киритиш. | Доимий | Назорат таҳлил бошқармаси, вазирлик девонхонаси |

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2016 йил 3 ноябрь* *267-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

## "ZiyoNET" ПОРТАЛИ ВА УНИНГ ЛОЙИҲАЛАРИГА ЖОЙЛАШТИРИЛАДИГАН АХБОРОТ-РЕСУРСЛАРИНИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги ПҚ-191-сонли "Ўзбекистон Республикасининг жамоат ахборот таълим тармоғини ташкил этиш тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 декабрдаги "ZiyoNET ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. "ZiyoNET" тармоғида болалар ва ёшларга мўлжалланган маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, фан ва таълим, спорт ва жисмоний тарбияга оид материаллардан иборат ахборот-ресурсларни ишлаб чиқиш ва тақдим қилиш дастури 1-иловага, тақдим қилинадиган ахборот-ресурсларга қўйиладиган асосий техник талаблар 2-иловага, ахборот-ресурсларнинг сифати ҳамда мазмунини ўрганиш бўйича эксперт гуруҳининг хулосаси (ички ва ташқи) шакли 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Умумий ўрта таълим муассасалари учун чоп этилган дарсликлар ҳамда вазирлик муассислигидаги журналларнинг электрон шаклини порталга жойлаштириш учун эксперт хулосаси талаб этилмаслиги белгилаб қўйилсин.

3. Республика таълим маркази, Қ.Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари ахборот-ресурсларига ташқи эксперт хулосаси берувчи ташкилот сифатида белгилансин ҳамда

мазкур муассасалар қошида юқори малакали ходимлардан иборат эксперт гуруҳи шакллантирилсин.

4. Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси (М.Ваҳобов)га “ZiyoNET” порталига жойлаштирилган ахборот-ресурслар мониторингини таҳлил қилиш, таълим муассасалари ва ҳудудий халқ таълими муассасаларининг рейтингини аниқлаш жараёнида уларни инобатга олиш вазифаси юклатилсин.

5. Вазирликнинг таркибий бўлинмалари, Республика таълим маркази (И.Зокиров)га кўрик-танловлар ва бошқа тадбирларга келиб тушган барча ишланмаларни танлов якунланганидан сўнг 10 кун муддатда “ZiyoNET” ресурс марказининг Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлимига тақдим қилиш вазифаси юклатилсин.

6. “ZiyoNET” ресурс марказининг Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлими (У.Тайлаков)га:

таълим муассасалари томонидан тақдим этилаётган ахборот-ресурсларни ички эксперт хулосаси билан биргаликда уч кун муддатда гегишлилиги бўйича саралаш ва йўналишлар бўйича Республика таълим маркази, Қ.Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларига ташқи эксперт хулосасини олиш учун юбориш;

ташқи эксперт хулосаларига кўра 15 кун муддат ичида ахборот-ресурсларни порталнинг тегишли бўлимларига жойлаштириш;

порталга жойлаштирилган ахборот-ресурслар мониторингини юритиш ва ҳар чоракда вазирлик раҳбариятига маълумот киритиб бориш вазифалари юклатилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, давлат педагогика институтлари, Қ.Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти, барча ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари ректорлари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари раҳбарларига:

10 кун муддатда “ZiyoNET” ахборот таълим тармоғи учун ахборот-ресурсларини жамлаш ва тақдим этиш бўйича масъул ходимни буйруқ билан тайинлаш ва уларнинг масъулиятини ошириш;

тақдим этилаётган ресурслар сифати ва мазмуни бўйича ички экспертизадан ўтказиш ҳамда экспертиза хулосасини “ZiyoNET” ресурс марказининг Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлимига тақдим этиш;

дастурда кўрсатилган ахборот-ресурсларнинг экспертиза жараёнини белгиланган муддатларда амалга ошириш ҳамда хулосалар бериш вазифаси юклатилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2015 йил 12 февралдаги “ZiyoNET” тармоғи ахборот-ресурсларини ривожлантириш, янгилаш ва экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирлар тўғрисида”ги 31-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг*
*2016 йил 3 ноябрдаги 267-сонли буйруғига*
*1-илова*

**“ZiyoNET” тармоғида болалар ва ёшларга мўлжалланган маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, фан ва таълим, спорт ва жисмоний тарбияга оид материаллардан иборат ахборот-ресурсларни ишлаб чиқиш ва тақдим қилиш ДАСТУРИ**

| Т/р | Ахборот ресурс мазмуни | Масъул бўлинма ва ташкилотлар | Ахборот ресурсларини жамлаш ва ривожлантиришга масъуллар | Тақдим этиш муддати | Экспертиза хулосасини тақдим қилиш муддатлари |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Таълим стандартларини такомиллаштириш бўйича янгиликлар;<br>Илғор педагогик технологиялар бўйича намунавий ўқув материаллар;<br>Семинар ва конференция материаллари. | Таълим стандартларини такомиллаштириш ва илғор педагогика технологияларни жорий этиш бўлими | А.Носиров | 2016 йилнинг 1 ноябридан бошлаб ҳар ойнинг 15-20 саналарида | Маълумот тақдим этилган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда |
| 2. | Янги нашр этилаётган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари тўғрисида маълумотлар;<br>Нашр этилган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларнинг электрон шакллари;<br>Дарсликларнинг ижара тизими тўғрисида маълумотлар;<br>Ўтказилаётган танлов ва тендерлар ҳақидаги маълумотлар (эълонлар, танловлар);<br>Йўналиш бўйича қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;<br>Семинар ва конференция материаллари. | Дарсликлар ва ўқув методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлими | А.Ортиқов | 2016 йилнинг 1 ноябридан бошлаб ҳар ойнинг 15-20 саналарида | Маълумот тақдим этилган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 3. | Маданий-маърифий ахборот ресурслари;<br>Кутубхонашунослик ва ахборот ресурс марказлари бўйича маълумотлар;<br>“Баркамол авлод” марказлари бўйича ресурслар; Махсус таълим олувчи болалар учун тайёрланган методик қўлланмалар, тавсиялар, ўқув дарсликлари ва ҳ.к.;<br>Йўналиш бўйича қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;<br>Семинар ва конференция материаллари. | Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси | Ҳ.Даминов | 2016 йилнинг 1 ноябридан бошлаб ҳар ойнинг 15-20 саналарида | Маълумот тақдим этилган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда |
| 4. | Республика миқёсида ўтказилган танловлар ва тадбирлар тўғрисидаги ахборотлар;<br>Ўқитувчилар ва ўқувчилар зарур ахборот материаллари каталоги;<br>Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар тўғрисида тўлиқ маълумотлар;<br>Йўналиш бўйича қабулқ илинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;<br>Семинар ва конференция материаллари. | Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар бошқармаси | С.Сейткамалов | 2016 йилнинг 1 ноябридан бошлаб ҳар ойнинг 15-20 саналарида | Маълумот тақдим этилган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда |
| 5. | Мактабгача таълим муассасалари тўғрисида маълумот;<br>Мактабгача таълим муассасалари учун методик қўлланмалар, методик тавсиялар, ўқув машғулотлари учун ўқув материаллари; Йўналиш бўйича қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;<br>Семинар ва конференция материаллари. | Мактабгача таълим муассасалари бўлими | С.Мирджалилова | 2016 йилнинг 1 ноябридан бошлаб ҳар ойнинг 15-20 саналарида | Маълумот тақдим этилган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 6. | Болалар ўртасида ўтказилаётган спорт мусобақалари бўйича маълумотлар;<br>Ёшларнинг халқаро мусобақалардаги иштироки тўғрисидаги маълумотлар;<br>Спорт турлари бўйича ўқув материаллар;<br>Йўналиш бўйича қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;<br>Семинар материаллари. | Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси | А.Алимов | 2016 йилнинг 1 ноябридан бошлаб ҳар ойнинг 15-20 саналарида | Маълумот тақдим этилган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда |
| 7. | Ўтказилаётган кўрик-танловларнинг видеороликлари;<br>Мусиқага оид ҳар хил ўқув қўлланмалар, дарсликлар ва тавсиялар;<br>Иқтидорли ўқувчилар ва уларнинг халқаро миқёсидаги танловлардаги иштироклари тўғрисида. | Мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси | Қ.Атамирзаев | 2016 йилнинг 1 ноябридан бошлаб ҳар ойнинг 15-20 саналарида | Маълумот тақдим этилган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда |
| 8. | Чет эл грант ва кредит лойиҳалари томонидан олиб борилаётган тадбирлар, тайёрланган ўқув материаллар;<br>Йўналиш бўйича қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;<br>Семинар ва конференция материаллари. | Инвестицияларни жалб қилиш ва халқаро ҳамкорлик бўлими | Д.Ташпулатов | 2016 йилнинг 1 ноябридан бошлаб ҳар ойнинг 15-20 саналарида | Маълумот тақдим этилган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда |
| 9. | Республика ХТХҚТМО институтларида олиб борилаётган тадбирлар;<br>Амалдаги ва ташкил қилинган малака ошириш курслар тўғрисида ахборотлар;<br>Қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтларининг режа ва дастурлари;<br>Йўналиш бўйича қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;<br>Семинар ва конференция материаллари. | Кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва илмий тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими | К.Гафуров | 2016 йилнинг 1 ноябридан бошлаб ҳар ойнинг 15-20 саналарида | Маълумот тақдим этилган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **II. Қорақалпоғистон Респуликаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар халқ таълими бошқармалари** | | | | | |
| 10. | Мактабдан ташқари таълим муассасаларининг йўналишлар бўйича тўгарак дастурлари;<br>Ўз билими, дунёқараши, ўқишдаги ютуқлари билан тенгдошларига ўрнак бўладиган ёшлар тўғрисида ахборотлар ва улар томонидан ёзилган ижодий ишлар, мақолалар;<br>Фан олимпиадалари ва унинг иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар;<br>Мактабларда ўтказилаётган тадбирлар тўғрисида мунтазам ахборотлар;<br>Вилоят, туманларда ўтказилаётган тадбирлар ва танловлар тўғрисида маълумотлар;<br>Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш бўйича психологик-педагогик ахборотлар;<br>Умумий ўрта таълим муассасаларидаги ўрнак бўладиган ўқитувчилар тўғрисидаги маълумотлар;<br>Чет эл грант ва кредит лойиҳалари томонидан тайёрланган ўқув материаллар;<br>Ёшлар ўртасида ўтказилган спорт мусобақалари ва тадбирлар тўғрисида ахборотлар;<br>Ўқувчи ва ўқитувчилар ўртасида ўтказилаётган танловлар ҳамда уларнинг ғолиблари тўғрисида ахборотлар;<br>Дарс ишланмалари ва методик тавсиялар;<br>Ижодкор ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ижодий ишларидан намуналар. | Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоят халқ таълими бошқармалари | Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари | 2016 йилнинг 15 октябрдан бошлаб ҳар ойнинг 15 кун давомида доимий | Маълумот тақдим этилган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **III. Қ.Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ, МТМРҚТМОИ Республика ўқув методика маркази, ҳудудий ХТХҚТМОИлар, ДПИлар** | | | | | |
| 11. | Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларининг режа ва ўқув дастурлари;<br>Битирув малакавий ишлар;<br>Докторлик диссертациялари, авторефератлар ҳамда конференция материаллари;<br>Малака ошириш институтлари кафедра ва бўлимлари профессор-ўқитувчилари ҳамда таклиф этилаётган маърузачилар ўқув дастурлари, маърузаларининг электрон шакллари;<br>Фаолият юритаётган курслар тўғрисидаги маълумотлар;<br>Таълим муассасаларида болалар учун ўтказиладиган ўқув машғулотлари материллари, ўқув қўлланмалар, ота-оналар ва тарбиячилар учун қизиқарли тавсиялар;<br>Малака ошириш институтларида ўтказилаётган конференция ва семинар материаллари;<br>Тингловчилар томонидан тайёрланган намунавий битирув лойиҳа ишлари. | А.Авлоний номидаги халқ таълими раҳбар ходимлари малакасини ошириш марказий институти, Қ.Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича Республика Ўқув-методика Маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва барча вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари, Давлат педагогика институтлари | Н.Раҳмонқулова, Н.Тайлаков, М.Аъзамова, ХТХҚТМОИ ректорлари, ДПИ ректорлари | 2016 йилнинг 1 ноябрдан бошлаб ҳар ойнинг 15 кун давомида доимий | Маълумот тақдим этилган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **IV. Вазирлик тасарруфидаги Республика ташкилотлари** | | | | | |
| 12. | Республика Таълим маркази, унинг бўлимлари ҳақида батафсил маълумот;<br>ДТС, ўқув дастурлар;<br>Ўқув дастурларининг тажриба-синов жараёни ҳақидаги маълумотлар;<br>Давлат таълим стандартлари дастури асосида яратилган электрон дарсликлар; дарс ишланмалари;<br>Республика миқёсида ўтказилаётган тадбирлар ва танловлар тўғрисидаги ахборотлар;<br>Ўқув қўлланмалар, тавсиялар;<br>Методик қўлланмалар, методик тавсиялар; Махсус таълим олувчи болалар учун тайёрланган методик қўлланмалар, тавсиялар, ўқув дарсликлари ва ҳ.к.;<br>Иқтидорли ўқувчилар учун оромгоҳларда ўтказилаётган тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар. | Республика Таълим маркази | И.Зокиров | 2016 йилнинг 1 ноябрдан бошлаб ҳар ойнинг 15 кун давомида доимий | Маълумот тақдим этилган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда |
| 13. | Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази, унинг бўлимлари тўғрисидаги батафсил маълумотлар;<br>Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш, педагогик-психологик ташхис қўйиш бўйича ахборотлар; | Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази | Ш.Эргашев | 2016 йилнинг 1 ноябрдан бошлаб ҳар ойнинг 15 кун давомида доимий | Маълумот тақдим этилган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Билиш жараёнларини ривожлантирувчи психологик ва ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда дидактик ўйинлар мажмуаси бўйича ахборотлар;<br>Ўқувчи шахсини касбга йўналтириш мақсадида ташхис қилиш методикаси бўйича ахборотлар;<br>Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда нуқсони бўлган болаларни ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига жалб этиш бўйича касблар рўйхати ва таснифномалар;<br>Олти ёшли болаларнинг тиббий кўриги ва соғломлаштириш тавсиялари каби ахборот ресурслар;<br>Психологик соғломлаштириш мактаби (бошланғич синфлар учун)<br>Коррекцион ривожлантирувчи машғулотлар дастури. | Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази | Ш.Эргашев | 2016 йилнинг 1 ноябрдан бошлаб ҳар ойнинг 15 кун давомида доимий | Маълумот тақдим этилган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда |
| 14. | Тўгараклар тўғрисидаги маълумотлар; Иқтидорли ўқувчилар тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг ижодий ишлари;<br>Ўтказилиши режалаштирилаётган ва ўтказилган тадбирлар ва танловлар тўғрисидаги ахборот ресурслар;<br>Болалар ижоди маҳсулидан фотолавҳалар;<br>Семинар ва конференция материаллари. | “Баркамол авлод” болалар марказлари | З.Товбоев, “Баркамол авлод” болалар марказлари раҳбарлари | 2016 йилнинг 1 ноябрдан бошлаб ҳар ойнинг 15 кун давомида доимий | Маълумот тақдим этилган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда |
| 15. | Республика илмий-педагогика кутубхонаси тўғрисидаги умумий маълумотлар, китобларнинг мавжуд электрон вариантлари; | Республика илмий-педагогика кутубхонаси | Д.Ғаниева | 2016 йилнинг 1 ноябрдан бошлаб | Маълумот тақдим этилган кундан |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Мавжуд АРМлар тўғрисидаги умумий маълумотлар ва мавжуд адабиётларнинг электрон вариантлари;<br>Семинар ва конференция материаллари. | | | ҳар ойнинг 15 кун давомида доимий | бошлаб бир ҳафта муддатда |
| 16. | Ўзбек халқ ва жаҳон халқ эртаклари;<br>Болалар адабиётлари;<br>Болалар учун қўшиқлар, шеърларнинг аудио (mp3) формати ва матн шакли. | Республика болалар кутубхонаси | Д.Ўралов | | |
| 17. | Спорт иншоотларининг анжомлар билан таъминланиши тўғрисидаги маълумотлар;<br>Болалар ўртасида ўтказилаётган спорт мусобақалари тўғрисида;<br>Ёшларнинг халқаро мусобақалардаги иштироки тўғрисида;<br>Ўқувчи-ёшлар ўртасида оммавий спорт турларини янада ривожлантириш, спортнинг армрестлинг, баскетбол, бадминтон, бокс, волейбол, велоспорт, гимнастика, енгил атлетика, камондан ўқ отиш, карате, кураш, от спорти, оғир атлетика, сузиш секциялари бўйича ахборот ресурслари;<br>Спорт турлари бўйича ўқув материаллар;<br>Спорт бўйича ўтказилган конференция материаллари;<br>Дарс жараёнида фойдаланиш учун тай-ёрланган намунавий электрон дарсликлар;<br>Семинар ва конференция материаллари. | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Республика ўсмирлар олий маҳорат спорт мактаби, Республика сув спорти турлари бўйича ихтисослаштирилган спорт мактаби | Д.Исмоилова | 2016 йилнинг 1 ноябрдан бошлаб ҳар ойнинг 15 кун давомида доимий | Маълумот тақдим этилган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **V. Халқ таълими вазирлиги муассислигида чоп этилаётган газета ва журналлар** | | | | | |
| 18. | “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари, “Халқ таълими” журнали, “Халқ таълими ахборотномаси”, “Boshlang‘ich ta’lim” журнали, “Соғлом авлод учун” журнали, “Физика, математика ва информатика” журнали, “Мактабгача таълим” журнали, “Узлуксиз таълим” журнали, “Болалар адабиёти” журналлари чоп қилиниб, обуна ишлари тугаганидан сўнг электрон вариантлари тақдим қилинади. | Халқ таълими вазирлиги муассислигида чоп этилаётган газета ва журналлар | Б.Шайвалиев, Газета ва журналлар бош муҳаррирлари | Режа асосида | Маълумот тақдим этилган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда жойлаштирилади. |

*Ўзбекистон Республикаси*
*халқ таълими вазирининг*
*2016 йил 3 ноябрдаги*
*267-сонли буйруғига*
*2-илова*

**Тақдим қилинадиган ахборот-ресурсларга қўйиладиган асосий техник талаблар**

**1. Жамланган маълумотларни “ZiyoNET” порталига топшириш учун:**

Барча жамланган ахборот ресурслар ўзбек, рус ва инглиз тилларида бўлиши лозим;

“ZiyoNET" порталига тақдим этиладиган ахборот ресурслар вазирлик тасарруфидаги Республика ташкилотлари, республикадаги педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва барча халқ таълими бошқармаларининг расмий хати асосида қабул қилинади.

**2. Матн форматидаги маълумотлар учун:**

Тақдим қилинаётган маълумотларнинг тезкорлиги ва самарасини ошириш мақсадида вазирлик ва ташкилотлардан келаётган матнлар Microsoft Word (*.doc) форматида юборилиши зарур.

Шрифти: Times New Roman
Услуби: Оддий
Ўлчами: 12
Ҳужжат чегараси:
тепа қисми - 2 см.,
пастки қисми - 2 см.,
чап қисми - 3 см.,
ўнг қисми - 2 см
Шакли: Китоб шаклида
Матннинг текислиги: чап тарафдан
Хат боши чапдан - 0 см., ўнгдан - 0 см.

**3. Фото ва видеоресурсларни тақдим қилиш шакли:**

Фотосуратлар ўлчами ихтиёрий, имкон қадар қулай шакли 1024 пиксель узунасига ва 768 пиксель бўйига бўлиши мақсадга мувофиқ;

Фотосуратнинг ҳажми 72 dpi дан кам бўлмаслиги зарур (нуқта дюймга);

Фотосуратнинг типи *.jpg , *.jpeg, *.png, *.bmp; *.gif, *.tif, *.ico ва бошқалар;

Видео ресурсларнинг типи *.mp4, *.avi, *.3gp, *.wmv, *.mkv, *.mpg, *.flv, *.mov ва бошқалар;

Ҳар бир фото ва видеоресурсларнинг максимал ҳажми 100 Мб ошмаслиги зарур.

**4. Маълумотларни тақдим қилиш:**

Ахборот ресурсларни тезкорлигини ва самарасини ошириш мақсадида ҳудудий координаторлар билан алоқалар The Bat дастурида ёки davra.uz ижтимоий тармоғининг файллар алмашиш хизмати орқали амалга оширилади.

Катта ҳажмдаги маълумотларни электрон ахборот ташиш воситаларида (CD-R, CD-RW, DVD-R, DVD-RW ёки USB Flash Drive) тақдим қилиш мумкин. Маълумотлар қуйидаги тилларда қабул қилиниб, жойлаштирилади:

Давлат (o‘zbek) – Лотинча (кириллча UNICOD)

Инглиз (English) – Лотинча

Рус – Кириллча

*Ўзбекистон Республикаси*
*халқ таълими вазирининг*
*2016 йил 3 ноябрдаги*
*267-сонли буйруғига*
*3-илова*

_____________________________________________________
(ташкилот ёки муассасанинг номи)

**Ахборот-ресурсларнинг сифати ҳамда мазмунини ўрганиш бўйича эксперт гуруҳининг (ички/ташқи) хулосаси**

__________________________ **томонидан яратилган қуйидаги**
(ташкилот ёки муассасанинг номи)
**ахборот-ресурсларни “ZiyoNET” тармоғига жойлаштириш ва мазкур ресурслардан фойдаланиш мумкинлигини маълум қиламиз:**

| т/р | Ахборот-ресурс номи | Ахборот-ресурс тури | Муаллифи | Яратилган вақти |
|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | |

Раҳбар ______________________________
Ф.И.Ш

Эксперт гуруҳи раиси ______________________________
Ф.И.Ш

**Bosh muharrir:**
Mahmudov Sarvar Yuldashevich

**Bosh muharrir o‘rinbosari v.v.b:**
Umaraliyeva Muhayyo Abdugaparovna

**Mas’ul kotib:**
Tashxanov Nurbek Aybekovich

**Badiiy muharrir:**
Mamasoliyev Akbarali Hamzayevich

**Tahrir hay’ati:**
Ulug‘bek INOYATOV, Dilshod KENJAYEV, Risboy JO‘RAYEV, Hikmatilla RASHIDOV, G‘ayrat SHOUMAROV, Sharifjon ERGASHEV, Fayzulla AHMEDOV, Shavkat SHARIPOV, Maqsudjon YULDASHEV, Islom ZOKIROV, Alisher ZOKIROV, Hikmatilla DAMINOV

Tahririyat manzili: 100159. Toshkent shahri, Mustaqillik maydoni, 5-uy.
E-mail: xalq_talimi@xtv.uz Tel: (0 371) 239-27-14, Faks: 239-27-11

Jurnal O‘zMAA tomonidan 2015-yil 3-iyunda ro‘yxatga olinib, 0852-raqamli guvohnoma berilgan.

Buyruq va ularning ilovalari to‘liq, o‘zgartirishsiz chop etilmoqda. Jurnal tahririyatning kompyuter bo‘limida terilib, sahifalandi.

“PRINT LINE GROUP” xususiy korxonasi bosmaxonasida chop etildi.
Bosmaxona manzili:Toshkent shahri, Bunyodkor shoh ko‘chasi, 44-uy.
Bosishga ruxsat etildi: 09.12.2016-y. Qog‘oz bichimi 84x108 1/32.
Ofset bosma usuli. Shartli b.t. 7,0. Adadi 17699 nusxa.
-buyurtma.
Bahosi kelishilgan narxda.

Ushbu songa mas’ul – Umaraliyeva Muhayyo Abdugaparovna

© “Xalq ta’limi axborotnomasi”, 2016.